

Янги йил барчамизга муборак бўлсин!

2006 YIL 01 YANVAR, YAKSHANBA

Qishloq HAYOTI

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

1974 yil 1 yanvardan chiqa boshlagan

№ 1-2 (6.995). Sotuvda erkin narxda

Ўзбекистон халқига янги йил табриги

Азиз ватандошлар! Мухтарам отахон ва онахонлар, опа-сингиллар, дўстларим, биродарларим!

Мана шу файзли ва шукхли дақиқаларда барчангизни янги - 2006 йил билан кизгин муборакбод этанам ва сизларга қалбимдаги эзгу тилакларимни, самимий меҳр ва ҳурматимни билдиришдан бахтиёрман.

Янги йил арафасида, табиийки, барчамиз якунига етиб бораётган 2005 йилнинг ўзимиз ва оиламиз, халқимиз ва мамлакатимиз ҳаётидаги ўрни ва аҳамияти, моҳиятини беихтиёр ҳаёлимиздан ўтказамиз.

Ҳеч шубҳасиз, ўтиб бораётган йил эл-юртимиз ҳаётида чқур из қолдираётган йил бўлиб қолиши мумкин.

Утган вақт мобайнида эзгу мақсадларимиз сари - юртимизда барқарорлиқни сақлаш, ҳаётимизни янгилаш, йўлимизда тўсиқ бўлиб турган асоратлардан воз кечиш, демократик давлат, очиқ фуқаролик жамиятини барпо этиш, эркин ва барчамизга тенг имкониятни яратиб бераётган иқтисодий ва маънавий-ахлоқий қадимлар кўйида.

Мамлакатимиз тараққиётининг мезони бўлмиш исло-

ҳотларни янада чуқурлаштириш, юрдошларимизнинг мулкка эгаллик ҳиссиётини кучайтириш, тадбиркорлик ва ишбилармонлик, бизнес ва фермерлик ҳаракатига равоён бўлиш, кенг имтиёзлар очиб бериш, тўпланиб қолган ижтимоий муаммоларни ечиш, аҳоли тураржойларини обод этиш ва коммунал хизматни тартибга солиш каби масалаларда амалга ошираётган саяё-ҳаракатларимиз ўз самарасини беришда.

Бунинг тасдиғини мамлакатимиз ривожидан, авваламбор иқтисодий ҳаётимиз барча етакчи соҳа ва тармоқларининг барқарор ўсиш суръатларида, юртимизга кенг қўламада кириб келаётган инвестиция ва сармояларда, замон талабига жавоб берадиган янги корхона ва ижтимоий иншоотлар, лицей ва коллежларда, бошқатдан қурилган ва таъмирланган мактаб ва шифохоналаримизда, улкан ободончилик ишларимизда - мухтасар қилиб айтганда, шаҳар ва қишлоқларимиз, бугунги ҳаётимизнинг қиёфаси кундан-кунга очилиб бораётганида кўриш кийин эмас.

Айниқса, ризқ-рўзимиз манбаи бўлган қишлоқ ҳўжалиги, пахтачилик ва ғаллачилик тармоқларида қўлга киритган юксак марраларимиз албатта, барчамизни қувонтирмасдан қолдирмайди.

Бу ҳаракатларимизнинг пивард натижаси аҳолининг реал даромадлари жўй йилда қарийб 22 фоизга, ойлик иш ҳақи, пенсия, стпендия ва нафақалар ўртача 40 фоиз ўсишида намоён бўди.

Албатта, якунига етиб бораётган йил биз учун осон бўлмади. Кундалик ҳаётимизда, иқтисодий ва ижтимоий муаммоларни ечишда кўпгина қийинчиликларга дуч келдик.

Евуз мақсадларни қўзда тутиб уюштирилган таъовузкор тўрроқи чиқишларни бартараф этишга, юртимизга қарши етдан ташкил қилинган амла, бўҳтон ва тўҳматларни ошимиздан кечиршига тўри елди.

Яратганимизга минг шўқроқлар бўлсинки, мана шундай ўта таҳликали ва оғир вазиятда биз юртимизда тинчлик ва оёсийшайликни сақлашга, гаразли хуруж ва офатларни енгишга эришиш.

Ўзбекистонни олиб бораётган мустақил сиёсатидан қайтариш, бизни кимгадир қарам қилиш ҳаракатлари беҳуда, пуч эканини намоён етдик.

Қадри дўстлар! Кириб келаётган янги йилда биз истиқлолимизнинг ўн беш йиллик кўтулғу тўйини нишонлаймиш, яъни, шарқона ҳўқматга қўра, айни навқиронлик, балогат палласига қадам қўямиз.

Йиллар, замонлар ўтади, балки бугун содир бўлган кўп воқеа ва ҳодисалар ҳаёлимиздан кўтарилиши мумкин. Лекин яхшилик ва саҳийлик, олижаноблик ва меҳр-оқибат ҳеч қачон унутилмайди.

Биз миллий кадриятимиз бўлган бундай пок тўйғуларни доимо асраб-авайлашимиз, азиз фарзандларимизни ҳам шундай эзгу фазилатлар соҳиб этиб тарбиялашимиз керак.

Юртимизда «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» деб эълон қилинган 2006 йил айнан шу каби юксак интилиш ва ҳаракатларга ўндайди. Ишонаманки, бундай давъат шу мўътабар заминда яшаётган, миллати, тили ва динидан қатъи назар, барча ватандошларимиз қалбидан чқур жў топади.

Шу маънода, инсон ва унинг манфаатларини таъминлаш, ижтимоий ёрдамга мўҳтож қатламларга доимий эътибор ва қўмақ бериш, жамиятимизда ўзаро ҳамжиҳатлик, муруват ва бағрикенглик муҳитини янада мустаҳкамлаш, аҳолимиз учун муносиб турмуш шароитини яратиш, эл-юрт фаровонлигини ошириш масалалари янги йилда ҳам биз учун долзарб ва ўзаро вазифа бўлиб қолавер-

ради.

2006 йил давлат бюджетидеда белгилаб қўйилганидек, ишчи ва хизматчиларнинг умумий иш ҳақи, шунингдек, стипендия, пенсия ва нафақалар миқдорини 33 фоизга ошириш қўзда тутилмоқда. Яқинда қабул қилинган қарорларни инобатга олади-ган бўлсак, ўқитувчи ва шифокорларнинг ойлик иш ҳақи, индексацияни қўшиб ҳисоблаганда, ўртача 1,5 марта ортади.

Буларнинг барчаси халқимизнинг кундалик ҳаётида ўзининг ижобий таъсирини кўрсатиши, янги йилимизнинг янада мазмуни бўлишига ҳисса қўшиши шубҳасиз, албатта.

Табиийки, бундай юксак мақсадларга эришишимиз асосий шарт ва гарови - авваламбор ўз юртимиз ва хонадонларимизда тинчлик ва барқарорлиқни асраш, ҳафсизликни таъминлаш билан боғлиқ эканини, доимо хушёр ва оғоҳ бўлишимиз зарурлигини ен-атрофимиздаги, дунёдаги мураккаб вазият аққол кўрсатиб турибди.

Мухтарам юрдошларим! Мана шу қувончли лаҳзаларда бетакрор диеримизнинг узок-яқин шаҳар ва қишлоқларида янги йилни катта орзу-умидлар билан қўтиб олаётган сиз, азизларни, бугун Ўзбекистон аҳлини яна бир бор чин қалбимдан қўтлайман.

2006 йил барчангизга, сиз, кадрдонларимга бахт ва омад олиб келсин!

Юртимиз тинч, халқимиз омон бўлсин!

Хонадонларимиздан файзу барака арамисин!

Янги йил барчамизга муборак бўлсин!

Ислом ҚАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

Самимий табриклар

Янги, 2006 йил кириб келиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов номига қатор хорижий давлатлар ва ҳукуматлар раҳбарлари жаҳонда тинчлик ва оёсийшайлик, халқимизга бахт-саодат ва омонлик тилаб, ўзларининг эзгу истақлари билан самимий қўловларни йўллаганлар.

Россия Федерацияси Президенти Владимир Путиндан қуйидаги мазмунда табрик хати олинди:

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов жаноби олийларига

Мухтарам Ислом Абдуғаниевич, Кириб келаётган Янги йил муносабати билан энг эзгу ва самимий қўловларимни қабул қилгайсиз.

Тугаб бораётган йилда Россия-Ўзбекистон ҳамкорлигини ривожлантиришда бир қатор муҳим йўналишлар бўйича катта тараққиётга эришилди. Иттифоқчилик муносабатлари тўғрисидаги Шартноманинг имзоланиши

икки томонлама ҳамкорликни чуқурлаштиришнинг янги истиқболларини очиб берган том маънодаги эътиборли ҳодиса бўлди.

Ишончим комилки, аниқ мақсадга йўналтирилган изчил саяё-ҳаракатларимиз Россия ва Ўзбекистон халқлари фаровонлиги, Марказий Осиёда тинчлик ва барқарорлик манфаатлари йўлидаги ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш ва кучайтиришга хизмат қилади.

Ҳурматли Ислом Абдуғаниевич, Сизга сиз ҳат-саломатлик, олиб бораётган фаолиятингизда муваффақиятлар, қариндош ва яқинларингизга бахт-саодат ва фаровонлик, Ўзбекистон халқига эса тинчлик ва раванқ тилайман.

Эътиром ила,
Владимир ПУТИН,
Россия Федерацияси Президенти

Шунингдек, Хитой Халқ Республикаси Раиси Ху Цзиньтао; Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош қотиби Кофи Аннан ва унинг рафиқаси Нане Аннан; Туркменистон Президенти Сапармурот Ниязов; Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмонов; Беларусь Республикаси Президенти Александр Лукашенко; Қирғизистон Республикаси Президенти Курмонбек Бакиев; Туркия Республикаси Президенти Аҳмет Неҳдет Сезерлардан ҳам самимий тилақлар билдирилган табрикномалар келди.

Ҳамиша хизматдамиз

Янги йил оқшомини беморлар билан бирга қарши олдик. Бўлимимизнинг анестезиология ва реанимация бўлими, дега нола-нишининг ўзбек юртимиздаги масъулият зиммасидан далолат беради.

Биз кириб келаётган Янги - 2006 йил билан барча юрдошларимиз, ҳамкасбларимиз ва мамлакатимиз келажагини бунёд этишда, халқимизнинг сийхат-саломатлиги, тинчлик-хотиржаллигини таъминлаш йўлида тиним билмай меҳнат қилаётган фидойи кишиларни чин қалбимиздан муборакбод етдимиз.

Мақсуд МАХМУДЖОНОВ, республика клиник шифохонаси анестезиология ва реанимация бўлими мудир.

БАЙРАМ ИЛҲОМИ

Янги-янги йиллар келади



Тоғларингдан кетмағай қорлар,
Юз минг гиёҳ гуллар бўлади,
Янги-янги келар баҳорлар,
Янги-янги йиллар келади.

Янги-янги уйғоқ булоқлар,
Янги-янги диллар бўлади,
Жилғалардай чопиб, уйқоқлаб
Янги-янги йиллар келади.

Гул бозорга ўхшайди ҳаёт,
Янги-янги гуллар бўлади,
Бўйинга гул ўлқайди ҳаёт,
Янги-янги йиллар келади.

Қалдирғочлар айвонларингда
Вижир-вижир тиллар бўлади,
Орақтирган армонларингдай
Янги-янги йиллар келади.

Мўҳаббатдан фақат ёлқинлар,
Мўҳаббатдан селлар бўлади,
Юракларга солиб тошқинлар
Янги-янги йиллар келади.

Шаҳарларга ўшар кўнгиллар,
Кимлар кетар, кимлар келади,
Янги-янги порлоқ манзиллар,
Янги-янги йиллар келади.

Юртим, сенинг довуғларингдан
Душманларинг силлар бўлади,
Нишон қолмас оғриқларингдан,
Янги-янги йиллар келади.

Заҳматларинг топмағай азал -
Кўприклар ҳам йўллар бўлади,
Толенинга бахш этиб камол,
Янги-янги йиллар келади.

Улуғ бўлар барча инсонлар,
Умр ўтар, умр елади,
Ер юзиде қолмас ёмонлар,
Янги-янги йиллар келади.

Дунё, сенинг зурриётларинг
Буюк-буюк эллар бўлади,
Эзгуликка қайтар отларинг,
Янги-янги йиллар келади.

Сирожддин САЙИД

Болажонларнинг қувончи чексиз

Мамлакатимиз аҳли янги - 2006 йилни ўзгача қувонч ва кўтаринчи руҳ билан қарши олмақда.

Кичкинтойлар янги йил байрамини ҳаммадан кўра кўпроқ орақиб кутади. Юртимизда ҳар йили болажонларга олам-олам қувонч улашиш мақсадида «Президент арчаси» байрам тадбирларини ўтказиш аънаанага айланган.

Пойтахтимиздаги «Туркистон» саройида кичкинтойлар иштирокида ана шундай байрам тантаналари бўлиб ўтган, унда болажонларга Юртбошимиз номидан байрам совғалари топширилган эди. Айни пайтда, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда «Президент арчаси» томошалари ўтказилмоқда. Байрам тадбирларида меҳрибонлик уйларида тарбияланаётган ўғил-қизлар, ногирон, кам таъминланган, кўп болали оилаларнинг фарзандларига меҳр ва эътибор кўрсатишмоқда.

Мазкур тантаналарда сўзга чиққанлар кичкинтойларни байрам билан табриқлаб, ҳукуматимиз томонидан ёш авлоднинг ҳар томонлама етук ва барқамол инсонлар бўлиб ўсиб-ўлғайиши, таълим-тарбия олиши учун етарлича шарт-шароит яратиладигани ҳақида миннатдорлик тўйғулари билан дил сўзларини изҳор етмоқда.

Дарҳақиқа, бугунги кунда мамлакатимизда келажагимизга бўлган ёш авлоднинг саломамлиги, таълим-тарбияси давлат сиёсати даражасига ўтарилган. Айни пайтда шаҳар ва қишлоқларда ўғил-қизларимиз учун қўлаб замонавий таълим-тарбия муассасалари, мактаб, коллеж ва лицейлар, спорт ва соғломлаштириш иншоотлари қуриб фйдаланишга топширилмоқда. Хусусан, алоҳида эътиборга мўҳтож болажонларимизнинг ҳе қиман кам бўлмай улғайиши учун барча шарт-шароит яратилмоқда. Аънаваний «Президент арчаси» тадбирлари ҳам бу борадаги саяё-ҳаракатларнинг ёқин мисолидир.

Байрам тантаналарида Қорқобо, Қорқиз ва турли эрақ қарамонлари иштирокидаги томошалар кичкинтойларга катта қувонч, завқ-шавқ бахш етди. Бадиий ҳаваскорлик жамоалари, танқили санъаткорлар ижросидаги саҳна кўринишлари, куй-қўшилар тантаналарга ўзгача файз киритди. Қўмақ арча ерфида болажонларнинг шодон кулгилари янғиди.

Мингил болажонларга мамлакатимиз раҳбари номидан турли хил совға-саломлар топширилди. Уларшундай ғамхўрлик учун ҳукуматимизга, Юртбошимизга миннатдорлик билдиришди.

(У.А)



Б.АКРАМОВ олган сурат-лавҳа

Жаҳонни жаҳолатдан асраг!

Вақт жуда тез ўтади. Бугун яна янги йил қарши олдик. Ҳаш-паш дегунча бир йил ўтиб кетди. Утган йил ҳам, ундан олдинги йиллар ҳам ўн-ўн беш йил илгари ҳам кўнглимизда ажойиб тўғулар жўш урганди. Келажақ йилдан яхшиликлар, аёти-тимизда муҳим из қолдиражақ ўзгартишлар, ваҳт ва омад сўрагандик.

Манзаралар эса бир хил: дастурхон, соат милрининг ўн икки сари ўрмалаш, юракларимиз дуқиллабуриши, гўё мўъжиза рўй бериши мумкиндек лаҳзалик сунат ва мушаққатнинг пориллаб ёниши, янги йилнинг довуғ солиб кириб келиши.

Деврли барчамизга таниш бўлган ҳолатлар. Шундай эмасми? Хўшмаси кевайдий. Хўшмаси кевайдий. Хўшмаси кевайдий. Хўшмаси кевайдий.

ПУБЛИЦИСТИКА

Соат занги. Дастурхон. Оила. Қадах. Таниш-билинар омадаси. Мазмун-моҳияти таниш тилақлар: «Янги йил омад келтирсин. Янги йилда ҳам соғ-саломат бўлайли!»

Ҳис қилганмиз, янги йил кечасида одам ўзин бошқача тутайди. Нимадандир ажралиб қолаётгандай, гўда эса номаълум бир сир-асрор қўтиб тургандай. Келгаги учун инсон ўзининг бир йилни ташлаб кетгандай, гўёи ўтмишга топшираётгандай бўлади.

Кеча ўтди. Нима бўлса бўлди. Энди эртани ўтмоқ керак. Худди шундай ўй ва қайфиятга берилди инсон! Айнан янги йил эъти қоқиб турган пайтда одам у ҳолатга тушади.

Бирок бугун ўтмишга, хотирага айланмоқда. Ёзовта ҳам қилади, албатта.

(Давоми 7-бетда)

Дил изҳори

—Мустақиллигимизнинг 14 йиллиги тўйида Президентимизнинг Фармонида кўра тақдирланган ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, мудофаа ва фавқулодда вазиятлар вазирликлари ходимлари орасида меннинг ҳам ҳуқуқимизнинг юксак муқофотларидан бири — «Жасорат» медалига лойиқ, деб топилганимдан жуда мамнунман.



Ватан тўйғусидан нафас олар қалб

Касб, тақдир деб биланман. Бундан чексиз фахрланаман ҳам. Ушбу муқофот мени ва жамоамни серғакликда, жанговор шайликда сарҳадларимизни қўриқлашга, Қуролли Кучларимизнинг янада мукамал шаклланиши йўлида фидокорона хизмат қилишга ундайди ва биз бу борада ҳамма шайимиз, шайимиз.

Алихон АББОСХўЖАЕВ, катта лейтенант.

Кўзи тўқ, кўнгли ҳам...

Бухоро шаҳридаги ҚаноМ Муртазоев кўчаси 3/1-уйининг 106-хонасида яшовчи Роза Тинчирова, мана тўрт йилдирки, хатто пастга қўни-қўшилар ҳузурига ҳам туша олмайд. Бирдан-бир овуқчоғи —телевизор.

Ахволдан хабар олгани келганлардан кейинги йилларда Бухороий шариф янада ободонлашиб чирой очганини эшитганида бир энтиқиб қўйди. Шаҳарда яшаб туриб, Бухорони томоша қилмаганига ҳам роппа-роса тўрт йил бўлибди.

Одамни соғлиғидан айирмасин экан. Роза опага бир эмас, бир неча дард ёпишдию оёқдан қолди. Шифокорлар полиартрит, юрак хасталиги, тахисит, кўйишди.

Аммо оёққа туриб кетолмади. Иложсиз қолган, уч гилдиракли қўлбола велосипед ясаптириб олди. Қўпқаватли уйда яшаётган Роза опа у хонадан бунисига шу қўлбола аравача кўмағида ўтади. Кўрсангиз бамисоли гўдак, дейсиз. Фарқи шундаки, гўдакнинг аравачисини судрайдиган ота-онаси, акаю опалари бор. Роза опанинг эса...

—Турмуш ўртоғим билан яшайман, — дейди опа. — У Қорувулбозорда ишлайд.

Опанинг икки фарзанди ҳам бор. Улар воёга етиб оилали бўлиб кетишган. Опалари ҳолидан хабар олиб туришади. Нон ёки бошқа бирор егулик келтиригудек бўлишса, Роза опа уларнинг холи-жонига қўймай пулини беради.

—Рўзгорларига оғирлигим тушмасин дейман-да, — дейди онаизор чқур хўрсиниб.

—Овқат-чи, уни ҳам ўзингиз пиширасизми? — сўраймиз.

Инсон ўзинг...

(Давоми 2-бетда)

Хунарсанд

Нурободнинг олис Селки қишлоғида истиқомат қилаётган ёш йил Улуғбек Жамолов ўзининг усталилик, тадбиркорлик иқтидорини билан кўпчилигини ҳайратини оширган.

Улуғбек билан сўхбатлашишдан олдин у ясаган тур-бўйи алебастр билан нималарнидир «ясаш»им, бўёқларни олиб, ҳар хил «манзара»лар чизишим отамда «Шу ўғлим касбимни оларкан-да», деган хулосани уйғотган. Шушу менинг ўқимизга алоҳида эътибор қаратишди. Аввал тасвирий санъат сирларини ўргандим — турли расмлар чиздим. Геометрия, алгебра, чизмачиликка алоҳида меҳр қўйдим. Ўн-ўн икки ёшимдан оддий нарсаларни, кейинроқ фанларни чуқур ўзлаштирган, хайкалчалар, ҳайвонлар, қўшлар тасвирини гипсда ясаб бошладим.

(Давоми 2-бетда)

Ганчқор

ли жиҳозларни кўриб, росети, мен ҳам қўйиб қолдим. ...Сепкига бордик. Улуғбек ўзининг кичкинагина устахонасида экан.

— Отам — ганчқор уста, — дейди Улуғбек. — Уйларга гангли безак солади. Оёғим ҳам, тилим ҳам отамнинг устахонасида чикди. Менинг кун

ХАЛҚ БАНКИ
СИЗНИНГ
ОИЛАНГИЗ БАНКИ

ЭЗГУ ТИЛАКЛАР

Юзимиз ёруғ, кўнглимиз хотиржам

Агитай Адиллов - Ўзбекистон Қаҳрамони, Сенатор:

Нихоясига етган 2005 йил ҳаётимда чуқур из қолдирди. Оқдир овул фуқароси сифатида қилган меҳнатларим қадрлиб, Ўзбекистон Қаҳрамони унвони берилди. Олтин юлдузни Оқсарой қароргоҳида мухтарам Президентимиз кўларидан олдим. Бундан бошим шунчалар осмонга етдики...

Мени қувонтирган яна бир жиҳат шуки, ўтган қадрдон йилда ер ўз ағасини топиши учун қатъий қадам ташланди. Очиғи, янги йилни ҳам худди шу руҳда қарши олмақдамиз. Аграр тармоқда юз бераётган бу улкан ўзгаришлардан эса кўнглимизга хотиржамлик инеди. Эл фаровонлиги, юрт равнақи шунчаки баландларга сўзлар эмаслигига ишонч ортади. Биргина мисол. 2005 йилда қоракалпоғистонликлар галла ва пахта ҳосилини юрт хирмониға топириш буйича ўз мажбуриятларини тўласинча адо этди. Худди шундай бизнинг "Тахтақўпир" ширкат хўжалигимиз аъзолари ҳам қиймати бир миллиард сўмдан зиёд қишлоқ хўжалиғи маҳсулотлари етказиб, юзлари ёруғ бўлди. Бундан қутилган салкам 300 миллион сўмлик фойда эса моддий манфаатдорликни оширди.

"Хомийлар ва шифокорлар йили", деб ном олган 2006 йилда ҳам мана шундай шижоат ҳеч биримизни тарқ этмаслигини истардим. Мамлакатимиздаги барча инсонларга бахт-саодат, сихат-саломатлик тилайман. Осмонимиз ҳамisha мусаффо, тинчлигимиз барқарор бўлсин!

Устозлар қувончи

Кузатаётганимиз 2005 йил барча соҳа ходимлари, айниқса, биз ўқитувчилар учун алоҳида ёдда қоларлик ижобий ўзгаришлар йили бўлди. Мактаб таълимини ривожлантириш йўлида қилинаётган кенг миқёсдаги улкан, улғувор ишларимиз, ўқитувчи-устозларга яратилаётган имтиёзлар ёш авлодни шу Ватанга, халқимизга муносиб фарзандлар қилиб камол топтиришимизда бизга чексиз илҳом, куч-қувват бағишлайди.

Мен фаолият юритаётган 8-мактабда 2007 нафар ўқувчи 170 га яқин устозларидан илму ҳаёт сабоғини ўрганишяпти. Изланувчан, янгиликка, ўз билими ва касб маҳоратини оширишга интиладиган муаллимнинг меҳнати самарасиз қолмайди. Бу энг аввало, шогирдлар муваффақиятида намён бўлади.

2005 йилда билим масканимизда таълим самарадорлиги 86 фоизни ташкил этгани, 109 нафар битирувчининг 58 нафари олий ўқув юртига ўқишга киргани, вилоят, республика фан олимпиадаларида бир неча ўқувчиларимиз голиблар сафидан ўрин олгани ва бошқа ютуқларимиз замирида ўқитувчининг катта меҳнати ётганини ҳис этасиз. "Йилнинг намунали мактаби" кўрик-танлови вилоят босқичида 2-ўринни эгалладик, бу муваффақият боис кутубхонамиз 500 минг сўмлик бадиий китоблар билан бойиди. Ўқитувчилар ва мураббийлар кўни муносабати билан бир гуруҳ ҳамкасбларим қаторида Президентимиз Фармониға кўра "Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси" унвониға сазовор бўлганим жамоамизнинг ҳам катта қувончиға айланди.

Фидойи, изланувчан муаллимларнинг меҳнати ҳукумати миз томонидан қадрланаётганини кўриб, бу эзгу касбға меҳру садоқатимиз янада ортади. Президентимизнинг "Халқ таълими ходимлари меҳнатиға ҳақ тўлаш тизимини тақомиллаштириш ва уни моддий рағбатлантиришни кўчатириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, умумтаълим муассасаларининг ўрнак кўрсатган ходимларини рағбатлантиришнинг Директор жамғармаси тузилгани айни муддао бўлганини таъкидламоқчиман. Бу эндиликда фаол, изланувчан, касб маҳорати юқори бўлган ўқитувчилар меҳнатини янада муносиб баҳолаш имконини беради.

Янги йилнинг дастлабки кунларида ана шулар ҳақида ўйлаб, кўнглимизда шукроналик ҳиссини туймоқдаман. Янги йилда халқимизнинг эзгу орузлари ана ушалишиға тилақдошман. Ёш авлод таълим-тарбияси йўлида эса биз, ўқитувчилар куч-ғайратимиз, билимимизни аямаямиз.

Болта ЭЛОВ, Ўзбекистон Республикаси халқ ўқитувчиси, Гиждувон тумани.

2006 ЙИЛ - "ХОМИЙЛАР ВА ШИФОКОРЛАР ЙИЛИ"

Истиклол йилларида кўплаб янги-янги ўқув даргоҳлари бунёд этилди. Қоракалпоғистон Республикасининг Эллиққалға туманидаги тиббиёт коллежида бугунги кунда мингдан зиёд талабалар таълим олишмоқда. Барча қулайликларға эға бўлган бу билим даргоҳида ёшларимиз 150 нафардан зиёд ўқитувчи устозларидан тиббиёт сирларини ўрганишмоқда.

СУРАТДА: коллеж ҳаётидан лаҳза. Б.АКРАМОВ олган сурат.



Кўпнинг дуоси кўл

Мамлакатимизда мустақиллик шарофати билан тадбиркорликка кенг йўл берилди. Ҳозирчи Хамид Тўхтаев ҳам шундай ишининг бошини тутганлардан. Хамиджон олий маълумоти муҳандис. Илгари "Ҳозирчи мармар" корхонасида кон бошлиғи вазифасида ишлаган.

Отаси Тўхтаев ака ташландик жойдан 5 гектар ер очиб, деҳқончилик қилиб, боғ яратган. Шу ерда "Дилшод" фермер хўжалигини ташкил этган. Отаси вафотидан сўнг Хамид Тўхтаев падари бурувқорининг ишини давом эттирадиган бўлди. Фермер

хўжалигини янада кўлга олган, Хамиджон 2000 йилдан ишға жиддий киришди. Фермер хўжалигини кенгайттирди. Минг тул энг сара мевали дарахт кўчатларини олиб келиб экти. Отаси ва ўзи эккан тоқу дарахтлар тўла ҳосилға кирган. Хар йили улардан мўл ҳосил олиниб келиняпти. Фермер Хамид Тўхтаев ҳосил баракасидан қамқушқорларға, Ҳозирчи кўрғони ободончилиғиға хўжалиғи ёрдами кўрсатишни қанда қилмайди. Кўрғондаги болалар боғчаларға бепул ўзум етказиб беради. Айниқса, у кўрғондаги соғлиқни сақлаш муассасаларига катта хўжайлик ёрдами кўрсатиб келяпти. Ҳозирчи кўшлоқ врачлик пунктини

таъмирлашға юз минг сўм маблағ ажратди. Болалар спортини ривожлантириш жамғармасиға 100 минг сўм ўтказди. Кўрғондаги шифохонани газлаштириш учун 250 минг сўм хўжайлик ёрдами кўрди. 2004 йилда Нурота туман марказий шифохонаси "Кон қўйиш" бўлимиға ҳам 100 минг сўм маблағ ҳада қилди. Хамиджон ўтган «Сихат-саломатлик йили»да яна бир хайрли ва савобли ишни амалға оширди. Ҳозирчи кўрғондаги касалхонанинг ёришти воситаларини кўриб беришға моддий ёрдам кўрсатди. Шифохона атрофини тош билан девор қилиб ўраб берди ва катта дарвоза кўриб берилишға бош-қош бўлди.

Шу мақсадлар учун табиркор ўз ҳисобидан 1 миллион сўм сарфлади. Дарвозанинг очилиш маросимида Нурота тумани ҳокимлиғи ва Ёзгон кўрғон фуқаролар йиғини фаоллари, маҳалла-кўй йиғини, йиғилганлар Хамид Тўхтаевға хўжайлик ёрдами учун қилган миннатдорчилик билдирди. Кексалар дуоғ қўлиб, "Бириниға ўн берин, болам", дея алқайдиар. Дарҳақиқат, кўпнинг дуоси кўл, дейдилар. Республикаимиз Президентини Ислам Каримов 2006 йили "Хомийлар ва шифокорлар йили", деб эълон қилди. Хамид Тўхтаевнинг фаолияти Президентимиз кўтарган ашарбусларға мос тўшади. Эзгу ишлар унга қанот бағишлайди. Хамиджоннинг энг аришғи моддий ёрдам кўрсатди. Шифохона атрофини тош билан девор қилиб ўраб берди ва катта дарвоза кўриб берилишға бош-қош бўлди.

Абдулҳаким ҲАСАНО, Навоий вилоят

Жиззах вилоят Пахтакор туманид бир кунда 50 тонн ун ишлаб чиқариш қувватига эға бўлган "Класс Инвест" деи номланувчи ун заводи ишға туширилди. Энг замонавий технологиялар билан жиҳозланган корхонада ҳозирги кунда 38 ишчи фаолият юритмоқда.

СУРАТДА: ун қадокловчи Рўстам Жўраев.

Б.АКРАМОВ олган сурат.



ҚУТЛОВ

Менинг барча юртдошларимға янги йил арафасидаги энг эзгу тилағим, уларнинг йўллари доимо бехатар бўлсин. Манзилларига соғ-саломат етиб боришсин. Келаятган янги йилда йўл-транспорт ҳодисалари имкон даражасида бўлмаслигини истайман.

Агар хар бир хайдоовчи ҳам, йўловчи ҳам йўл қондаларига тўлиқ амал қилса турли фалокатлар бўлмаслиғи мўқаррар. Айниқса, бугун янги йил байрами кўни барчани ўз оиласида жамулжам бўлишни, оиласи бағриға етти мучаси соғ-саломат қайтишни истайман.

Абдували БОТИРОВ, ДАН ходими.

Ганчкор

(Боши 1-бетда)

Ҳозирғача йиғирмадан ортиқ катта, қирқдан ортиқ кичик кўринишда ана шундай совғабоп ганчкорлик маҳсулотларини бор.

Буларни ясашнинг ўзи бўлмас. Қўйиндир-ов? - Билганға, қизикқанға қийин нарсанинг ўзи йўқ. Битта хайкалчининг аввал шаклини олиб, сўнг уч-тўрт кунда ясайман. Бўянда ўзининг маҳсулоти бўёғини ишла-таман. Бўй йил аънавий "Ташаббус - 2005" танловида қатнашдим. Унда "Энг ёш тадбиркор" номинацияси буйича вилоятда биринчи ўринни олдим. Қаранг, яхши санъат асари ҳеч қимни бера-фарқ қолдирмас экан. Мана шу танлов дунёқарашимни ўзгартирди, элга танитди, ўзимға ишончим ортди. Вилоятимиздаги ўндан ортиқ мактаблар мен ясаган ганчкорлик маҳсулотларини харид қилишиб, ҳам эсдалик, ҳам кўрғазмали ўқув қуроли сифатида меҳнат дарси хоналарига қўйишган.

Ясалган нарсаларни бирор дўкonda сотасизми ёки уйдан олиб кетишадими? - Гапнинг очиги, буларни сотарканман, шундан фойда оламан, деб ўйламаганман. Отам ҳам буларни сотамиз, ўғлим, демасди. Одамлар ясаган маҳсулотларимға қизикиб, уч-тўрт минг сўм бериб олишди. Аммо бир нарсани айтмай, Самарқанд шаҳрида ўтган танловдан кейин мени Ўзбекистон тарихи ва маданияти музейида бўладиган миллий хунармандчилик кўрғазмасиға тақлиф этишди. Қатнашдим. Шу ерда уч-тўртта голландиялик сайёҳлар мен ясаган буюмларға қизикиб қолди. Сўрашди, мен эса имо-ишора билан бу-

нинг қандай ясалишини тушунтирган бўлдим. Кўрғазма сўнггида улар "бу нарсаларнинг нархи бебаҳо", деганча битта каттароқ хайкалчани сотиб олишди. Шундан кейин шуғулланаётган хунарим ерда қолмас эканлиғидан гурурландим. Айтгандай, шундай кўрғазмаларда қатнашиб, тадбиркорликка доир кўп қўлланма ва китоблар ҳам олганман. Рус ва инглиз тилиниям ўрганяпман. Ниятларим кўп. Бир китобда шарқ тадбиркорларидан бири - машхур "Sony" фирмаси асосчиси Акио Моританинг гапини ўқидим ва уни ҳаётим широриға айлантирдим, яъни "инсон изланишдан, янгилик яратишдан бир соат тўхтаса, у замондан, тараққийтдан бир йил ортда қолиши мумкин". Шу боис ҳозир ўз устимда ишлаяпман. Биласиз, бобомиз Захириддин Мухаммад Бобур 12 ыида тахтға ўтирган, компьютер тарихи Билл Гейтс 13 ыида компьютер программасини яратган. Мен эса ўн етти ыишда катта фильм очмоқчиман. Чунки мен шуғулланаётган хунар миллий хунармандчиликимиз маҳсулоти. Унинг харидори хаммиша топилади. Бу мустақилликнинг меваидир. Илгари бунақанги имкониятлар қарерда эди, дейсиз.

Улғубек билан узок суҳбатлашдик. Олдий қишлоқ боласининг юксакларни кўзлаб, орузларға интилиб яшаётганидан, изланаётганидан қувондик. Ахир қувонмай бўладими, Юртбошимиз келажимиз ёшлар қўлида, деб турганда бизға Улғубек каби гайратли, илму хунарли, қатъият ва иродали, ёруғ ниятли фарзандлар керак. Шундай эмасми?

Акрам ХАЙДАРОВ, Самарқанд вилояти.

Кўзи тўқ, кўнгли ҳам...

(Боши 1-бетда)

Аравачадан туриб ёз плитасида оват пишираман, - дейди Роза опа. - Кейинги пайларда това оғирлик қўлаяпти. Уни кўтаришға қийналяпман. Хайриятки, аҳойиб қўшилларим бор. Нейматжон, Райима, Сония сингари ҳам-совларим "Ердан керак эмасми?" деб ахволидан хабар олиб туришди.

Сизға ногиронлик аравачаси керакми? - дея сўрайди ҳамроҳимиз, 58-сон маҳалла фуқаролар йиғинининг маслаҳатчиси Н.Ражабова.

Эхтимол, бошқа бировға шу савол берилганида ўйлаб ҳам ўтирмайди. "Ха, керак", дея жаовоб берган бўлур эди. Роза опа улар тоифасидан эмас, унинг кўзи тўқ, 1 гуруҳ ногирони бўлишиға қарамай, "Йўқ менға шу қўлбола аравачам қўлайроқ. Ногиронлик аравачасини мендан-да муҳтожларға беришгани маълум", дейди у.

Сабр-тоқат, қаноат, шукроналик ва бардошини вужуд-вужудиға сингирдиган онахонға боқиб, тўрт мучаси соғ, тоғни талқон қилдиган баъзи ақа-уқаларнинг мерос, мол-дунё таллашиб юришгани кўз олдимизға келди. Бир қориндан таллашиб-тортишиб тушган баъзи опа-сингилларнинг ўртасида зигирча меҳр-мухаббат, оқибат йўлиғи ёдимизға туша-

ди. Қолаверса, орамизда ўзига тўқ, бойбадавлат бўла туриб ёрдамға муҳтож қариндош, ёр-биродаридан, ҳаттоки яқин жигарғўшалари холидан хабар олмаётган қимсалар оз, дейсизми?

Ўзим аслида Саратовданман, - дейди Мустақиллик кўчаси 46-ўйининг 2-хонасида яшовчи Зинаида Спиренкова. - Турмуш ўртоғим Абдулла Чабанов билан 13 фарзанди воғат етказдик. Ўғил-қизларим уйли-жойли бўлиб кетишди. Карамонимда ўғлим Сейрон қолди. Турмуш ўртоғимнинг вафот этганиға ана бўлди.

Сейрон - туғма ногирон. Ҳозир 27 ёшда. Онаизор уни қийинтиради, овқатлантиради, бамисолиқ гўдақни асраб-авайлагандек ёнидан бир лаҳза жилмайди. Бир умр ногирон боласини оқ ювиб, оқ тараётган онанинг сабр-тоқатиға қойил қолсан киши. Ана йиллар бариб ўз таъсирини кўрсатган экан, Зинаида опада аввалги куч-ғайрат қани, дейсиз.

Ногирон бола билан яшаш ағир, - дейди у чуқур тин олиб. - Мана, сизлар ногиронлик аравачасидан сўз очаянчисизлар. Бу аравачани кўча-кўйида судраб юришға менда куч борми?...

қилувчилар ҳам бор. Яқинда ана шундайлардан бири вафот этди. Таъзисига маҳалла бош бўлди.

Раҳматлини тириклиғида йўқлаб борсак, эшикни очиниға қийналарди, - дейди Н.Ражабова. - Титроқ кўллари билан эшик мурватини бурай олмай хижолат чекарди. Аслида у эмас, ўғли хижолат чекиши, уягдан ёр ёрилса, кириб кетиши керак эди. Гап шундаки, марҳумнинг дафн маросимини ўтказганимиздан сўнг аллақердадир яшовчи хижолат чекарди. Даб-дурустан "Қолган маъракаларим ҳам пул берасизларми?" деса бўладими?...

Ха, афсуски, орамизда ана шундай қимсалар ҳам учрайди. Дарвоқе, Роза Тинчирова, Зинаида Спиренкова сингари ёрдамға муҳтож қишлар яқинда саховатпеша инсонлар хижматидан баҳраманд бўлишди. Маҳаллада яшовчи бир гуруҳ ёлғизлар ҳамда ногиронларға савобталаб инсон Наима Шарипова озиқ-овқат маҳсулотлари улашди. Ундан ташқари, Бухоро шаҳрида "Сарвиноз" қаҳвахонасида бир пиёла чой ташкил қилиниб, кексалар, ўғалар мададиға муҳтож инсонлар тақлиф этилдилар.

Истам ИБРОХИМОВ, "Қишлоқ ҳаёти" муҳбири.



Шомурод-Шаке бир кўни...

Қоракалпоғистонлик таниқли комик актёр Шомурод Утемуродовнинг ҳаётий ҳангомаларини ҳам одамлар совиб тинглашди, санъаткор эл орасида кўп бўлганиданми, бу қизик латиғалар хар гал "янғисидан" бўлиб туради. Шомурод аканин "деҳқон" бўлгани ҳақидаги қизик гаплар эса эл оғзидан тушмайди.

Санъаткор "хангомачи - Шаке бир кўни..." деб лутф қилар экан. Дарвоқе, бундай гурунларда мухлислар ҳам Шомурод акани "Шаке" дейишди. Шундай қилиб, Шаке бир кўни...

Гуруч бозорида

Кунлардан бир кўни Шаке "Мангитта гуруч яхши келтилади..." деган гапини эшитиб, деҳқончиликда кўтарган ҳосилдан олиб Мангитта келибди.

Бозорда хангоматалаб одам кўп, бунинг устиға, телевидениеда хар кўни Шаке-ни кўравериб, халқ ҳам уни таниб қолган эмасми, ҳамма келиб, Шаке билан кўришаётган, унинг гапларига қулоқ солиб, хандон отиб қулаётган... Бир харидор Шакеға дейди: - Шомурод оға, олиб келган гуручиниз дим (хўда) майда-ку!

Унға Шаке шундай дермиш: - Ҳа, иним-эй, йирик гуручи нима қилсан, манов Амурдарёға кўприк қилармидин? Майда бўлса-да, олавер, келинбола уйда мазали қилиб бир палов дамласа, шу гуручи ҳам ҳали кўзинг олайиб-олайиб ерсан...

Шаке ва таксичи

Янги йил байрами арафасида актёрларнинг ҳам иши кўпайгандан-кўпайиб, югур-югурлар бошланади: ҳали анови корхонада учрашув ўтказиб, ҳали бу мактабға бориб болаларға спектаклдан парча қўйиб бериш керак, ҳали театрга чоп, телевидениеға югур, радио эсдан чикмасин...

Шундай чоп-чоп, югур-югур кунларнинг бирини Шомурод ака репетицияға кечи-киб қолмаслик учун таксига чиқибди. Замон оғир пайтлар, кеч қолса, масала ҳам қаттиқроқ кўрилиши ҳеч гапмас. Театрга етиб келган, чўнтагини қовлаётиб, таксичидан сўрабди: - Қанча беришим керак, иним-ов? - Бир сўм берасиз, Шаке, бир сўм!

У таксининг ҳисобдонига қараса, "80 тийин", деб кўрсатиб турибди. - Ҳов, иним-ов, ана, апаратинг "80 тийин" даяпти-ку? - Шаке, қўйинг, тушунтирайин, бу ёзиб қўйилгани - ҳукуматта топшириладиган пул, бунинг менға сира фойдаси йўқ, чўнтагимға мири ҳам тушмайди. Менин узим учун йиғирма тийин ташлаб кетмайсизми, ахир? Мендаям бола-чақа бор... - Э, шундай демасанми, иним. Ундай бўлса, сен иним ҳукуматнинг гапини ема, хўпми, ўз кўнини ўзи кўраверар, сен боланакангни ўйла. Тушундингми? Мана, сенға йиғирма тийин... Шундай деб Шаке чўнтағидаги йиғирма тийинлиқни таксини ўшлатибди-да, ўзи театрга кириб кетди.

"Телпагиниға нима қилди?"

Янги йил кириб, кунлар бирдан совиб кетган экан. Театрга энди ишға келган ёш актёрларнинг бири "Кулозимни совуқ олмас бўлди-да..." деб бошиға эски телпагини илдириб, ишға чопиб келаверибди.

У келса, театрда беш-олти актёр йиғилиб, репетиция олдидан хангомалашиб турган экан. Халиғи ёш актёр ҳамма билан кўришаётса, Шомурод ака унға гап қотибди: - Иним, манови бошиниға рапти са-ал бошқачароқ кўринад... Телпагини қасалмиди-ё?

Хамма қулиб юборибди. Халиғи ёш актёр инимиз, ана деди. 7 одатдағидай ҳамма билан кўриша бошлабди. Навбат Шайға келганда, у ана гап қотибди: - Иним-ов, кечаги телпагинини ечиб келисан-ку... Е, телпагин... ўтиб қолдимми?...

Тўпловчи: Музаффар АҲМАД.

Ҳўкизининг пули қани?

Тарда юраги тоза, дилкаш киши, қишлоқ одамларнинг тили билан айтганда, "Деҳқон одам-да..." Ҳеч шиклмайди, ҳовлиқмайди ҳам. Ўйлаб, кенгашиб иш қида. Аммо...

Ано бир қилиғи бор. Хар 1-тўрт йилда... бир галат ақлга тўғри келмас иш қиб қида, одам ишонмайди. Отда яқанбола кўни уни жуда та уйғотди: - Ўда-а! Тургин, ола хўкизичи сотиб кел. Бозға борди. Ола хўкизичи 92 минг сўмға сотилди.

Кина бўлса-ям яхши кетди, - дейишди ёнидағилар. Пард 92 минг сўмини белиға боғлади. Мол бозорининг дарвозидан чиқса... одамлар гуж бўлиб, лойдан ясалган, чиройил бўлган, яхши пиширилган, хўрозға ўхшайдиган хуштак утиб олишяпти. Биров ўлиға, биров набирасиға... овози ёз қичқиргандай...

Хўкизини сотиб оламан, - деди керилиб Парда. - 100нинг сўм пулининиғи бормидики, катта гапирасиз, - деди хўш хотувчи. - Ҳам ушлиллакни (шевада хуштакни шундай аташди) 92 минг берсанғиз, оламан, - деди Парда. - Оли, омадингизни берсин! - хўрсанд бўлди хотувчи. Парда ҳамма хуштакни қопға солиб уйға жўнади. Отаси йўлиға қаб ўтирган экан.

Сотдиғми? - сўрайди у. - Сотди. Пулиға ушлиллак олақелдим, - деди Парда. - Ушлиллакни нима? - Мана хўроздай қичқирадиган ушлиллак... Қопдағиниға яқин хуштакчани ерга ағдарди. Пешона-сидиға тўчи артганча: - Ҳамми ушлиллак...

Менгнор ОЛЛОМУРОДОВ

Бедор бўлиб яшайлик

Болалигимда гувоҳи бўлганим – бир воқеа ҳеч ёдимдан чиқмайди. Учинчи фарзандим дунёга келтирган аёлга туғруқхонада вирусли гепатит касали юқди.

Лекин у шифокорга кўринишни истамайди, ҳали чиласи чиқмаган чақалоғи ва бири тўрт, бири икки ёшда бўлган болаларини, рўзгор ташвиши аримайдиган уйини кўзи қиймай юраверади. Эри ҳам, қайнонаси ҳам бефарқ муносабатда бўладилар. Ахир аёл тўшаққа михланиб қолган, касалхонага олиб борадилар. Афсуски, касаллик авж олиб кетган, аёлни даволаш, унинг ҳаётини асраб қолиш имкони бой берилди.

Кейинчалик тиббиёт соҳасидаги фаолиятим давомда ҳам бу сингари аянчи манзараларга жуда кўп дуч келдим. Аҳоли ўртасида тиббий ма-

лакани ошириш лозимлигига қайта-қайта амин бўлавердим.

Шунинг учунми, бугун мени қувонтираётган жихат ҳам айнан тиббиёт соҳасини янги босқичга кўтаришга алоҳида эътибор қаратилиши асосида соғлом турмуш тарзини йўлга қўйиш сибсат даражасига кўтарилганлигидир. Соғлом турмуш тарзи эса одамларимизнинг маънан ва жисмонан соғлом яшашлари демкидир.

Очиғи, бирин-кетин тарихимизга айланаётган сўнгги йилларнинг асосий мазмуни соғлом халқнинг, соғлом

миллатнинг буюк ишларга қодирлигини ҳис қилган ҳолда узлуксиз давом этаётган саъй-ҳаракатлар бўлиб қолди. Мисол тариқасида биргина "Сихат-саломатлик йили" деб ном

СОҒЛОМ КЕЛАЖАК САРИ

олган 2005 йилда амалга оширилган кенг қўлмали ишларни олиб қарайлик. Унлаб шифохона ва сихатохоналарнинг янгидан барпо этилгани, капитал таъмирлангани, юзга яқин даволаш-профилактика муассасалари за-

монавий тиббий жиҳозлар билан таъмирлангани, айниқса, жойларда қишлоқ врачлик пунктларининг тиббий хизматини яхшилаш борасида жонланиш сезилгани муболага эмас. Муҳими, тиббий маданиятни ошириш, оилани соғломлаштириш биз-тиббиётчилар каби жамиятимизнинг барча аъзолари учун биринчи галдаги вазифа бўлиб қолди. Бунинг самараси ҳозирданок кўзга ташланаёпти. Масалан, оналар ва болалар скрининг тизимининг такомиллашуви, никоҳдан олдин тиббий текширув-

лар жиддий назоратга олингани сингари тадбирлар туфайли чақалоқлар ўлими 2005 йилда ўтган йилга нисбатан 7,4 фоизга, оналар ўлими 6,8 фоизга камайди.

Бу ютуқлар-ку кишини мамнун этади, лекин айни пайтда инсонлар саломатлигига ҳавф солаётган омиллар ҳам борки, бунга барҳам бериш аҳолининг ўзидан фаоллиқни талаб этади. Бетартиб жинсий ҳаёт ва унинг натижаси ўларок ОИТСга чалиниш, гиёҳвандлик, алкоғол ичимликларга муккасидан кетиш, кашандаликка ружу қўйиш... бу иллатларга қарши-факат ва факат жамиятда тиббий маданиятни кучайтириш йўли билангина курашиш мумкин.

Зулхумор МУТАЛОВА,
Республика Саломатлик институти директори.



Газ муаммоси

2006 йил 1 январдан бошлаб Украинага Россия газини etkazиб бериш тўхтатилиши мумкин.




"Газпром" бошлиғи Алексей Миллер шу ҳақда огоҳлантирмоқда. Унинг сўзига кўра, агар янги шартномаларга расмий Киев кўнмас экан, Украина 2006 йилдан бошлаб Россиянинг газидан маҳрум бўлади. "Газпром" назарига Украинанинг Россияга газ учун тақлиф қилаётган нархи 1990 йилларга тегишлидир.

Айрим кузатувчилар фикрига кўра, икки давлат ўртасидаги газ муаммоси Кремлнинг Украина бошқарувида келган "гарбараст" ҳукуматни жазолаш усулидир. Европада эса Россия ва Украина газ жанжаллари оқибатида совуқ кунларда газсиз қолишдан хавотир пайдо бўлган.

Қуллар қабристони

Рио-де-Жанейролик 58 ёшли фуқаро уйининг остидан қора танли қулларнинг оммави қабрини топди.



Қабрда 18-25 ёшлар атрофида бўлган 20 мингга яқин одам скелетлари бўлган. Археологлар фикрича, қора танли қуллар 1800 йилларда тириклай кўмиб юборилган. 1888 йил қулчиликка расман барҳам берилган Африкадан Рио-де-Жанейрога келтирилган минглаб қулларни ўз юртига қайтаришнинг иложи бўлмади ва улар ўлдириб юборилди.

Ачеҳда ниҳоят сокинлик

Ачеҳ вилоятини Индонезия ҳукумат кучларининг сўнгги ҳарбийлари тарк этишди.




Бу воқеа вилоятда кечган 30 йиллик фуқаролик урушининг аяқ топангидан далолат беради. Қелишувларга биноан исёнкор кучлар ҳам қуролларни топширишмоқда. Айни дамда у ерда муқобил ҳаракатларни сиёсий партиялар орқали амалга оширишга киришилмоқда.

Ачеҳда узок йиллик фуқаролар уруши 15 мингдан зиёд одамни ҳаётдан олиб кетган.

Гаровдагилар озодликда

Газо секторида ўғирлаб кетилган уч нафар британиялик фуқаро озод этилди.




Ўзларини "Мухождлар жамоаси" деб таништирган гуруҳ гаровга олишни ўз зиммасига олган. Гуруҳ вакиллари сўзларига кўра, фаластинликларнинг 1918 йилдан буён (Биринчи жаҳон урушидан сўнг Фаластин Британия бошқарувида олинди ва 1918 йилда Лондон ташаббуси билан муқторият худудида яқудийлар давлатига асос солинади) тортиб келаётган азобларига Буюк Британия сабабчидир.

"Агар Лондон Исроил билан расмий алоқаларни узмаса британиялик фуқароларни гаровга олиш, ҳатто уларни йўқ қилиш ҳам давом этаверади" дейилади жангарилар талабномасида.

"Санта Клаусни қайтаринг!"

Туркия Италиядан Санта Клауснинг қайтариб берилишини жиддий талаб этмоқда.




Авлиё Николай фонди раҳбарининг сўзларига кўра, Санта-Клуснинг асл ватани Анталия, Лапондия эмас. Санта Клаус III асрларда яшаб ўтган Авлиё Николайнинг иккинчи номидир. У ҳаёти давомда одамларга яхшиликлар улашган. Ўлимидан сўнг унинг жасади қароқчилар томонидан ўғирлаб кетилади ва Италиянинг Бари шаҳрига дафн этилади. Шундан буён италияликлар Санта Клаусни "бизники" дейишади.

"Италия Авлиёнинг қабрини Туркияга бериш ниятида бўлмаса, биз БМТга мурожаат этамиз" дейди фонд раҳбари Муаммар Карабулут.

Ўлим олдидан савобли иш

Нью-Жерси штати ҳукумати 29 нафар одамнинг қотилига донорлик қилишга руҳсат берди.



Маҳбус Чарлз ҳаёти ҳавф остида бўлган бир аёлга ўзининг буйрақларини ҳадя қилмоқчи. Акс ҳолда аёл ҳалок бўлиши мумкин. Маҳбус бемор ҳақида газета орқали хабардор бўлган ва қамқоқона бошлиғига ниятини маълум қилган. Чарлз Куллен штатдаги шифохонада санитар бўлиб ишлаган. Тахминларга кўра, у 40 га яқин беморни қасддан турли йўллар билан ўлдирган. Унинг ўзи 29 кишини ўлдирганини тан олган. 2003 йил у ўлимга ҳўкм қилинган эди.

INTERNET хабарлари асосида Ш.САНАЕВ тайёрлади.

Информация о намерении приобретения пакета акций более 15% от уставного фонда. Инвестор: ЧП "Abduvalli-Gulnora". Эмитент и его адрес: ОАО «JUMSON» sanatoyasi. Таш. обл. Бустонский р-н, поселок Хумсан. Тип приобретаемых акций: акция простая именная базисная. Количество акций, которые намерен приобрести инвестор - 6770 штук, что составляет 26% от уставного фонда.

АООТ "Ташкентский фарфоровый завод имени А.Иброхимова" согласно решения хозяйственного суда города Ташкента дело № 10-05-07/8740 от 18 ноября 2005 года объявлен банкротом и открыт ликвидационный процесс. Ликвидационным управляющим назначен Рашидов Ботир Ибрагимович.

Претензии кредиторов принимаются в течение 60 дней по адресу: город Ташкент, Сабир Рахимовский район, улица Сарган, тулик 30, дом 8.

Тендерга қатнашиш учун тақлиф № 6-20

Тендер мавзуси: Судан фойдаланувчилар уюмларини қўллаб-қувватлаш Дастури доирасида "Юртим Истиқлол" судан фойдаланувчилар уюмлари учун МБЗ коллектор-дренаж тармоғида механик тозалаш ишлари

АКШнинг Халқаро ривожлантириш Агентлиги томонидан моли-яштирилатган Винрок Интернешнл ташкилоти томонидан амалга оширилган СА # 122-А-00-04-00005-00 рақамли ҳамкорлик шартномаси асосида февраль кўрсатаётган Судан фойдаланувчилар уюмларини қўллаб-қувватлаш Дастури (WUASP)

Бухоро вилояти Жондор тумани "Юртим Истиқлол" судан фойдаланувчилар уюмларини қўллаб-қувватлаш 4700 (тўрт минг етти юз) метр бўлган МБЗ коллектор-дренаж тармоғида механик тозалаш ишларини амалга оширишга қизиққан ташкилотларни тендерга қатнашиш учун тақлиф этади.

WUASP Дастурининг мақсади фермерлар сўғориш ва дренаж тармоқларининг ишловини таъминлаш, бошқариш ва уларни кенгайтириш ҳамда такомиллаштириш билан боғлиқ инвестицион қарорларини қабул қилишлари учун судан фойдаланувчилар уюмларини ташкил қилиш ва уларни ривожлантиришдир.

Жами узунлиги 4700 м тармоқни механик тозалаш
—Амалга ошириладиган ишларнинг жами ҳажми — 25545,1 м³
—Ишлар 2006 йил январь-март ойларда бажарилиши кўзда тутилган.

Тендерга қўйиладиган асосий талаблар:
*Хизматлар учун нархлар миллий валюта — сўмда кўрсатилиб, тўловлар банк орқали ўтказилади.

Хизмат баҳоси тақлифлари 2 ой мобайнида амал қилиниши керак. Тендерга қатнашиш учун тақлифлар тендер ҳужжат пакети асосида тўлдирилиши керак. Тендер ҳужжат пакетини дўшанбадан жумагача соат 9.00 дан соат 17.00 гача Абдулхамидова Нилуфарга мурожаат қилиб WUASP офисининг қўйидаги манзилдан олиш мумкин:

Ташкент шаҳри 700070, Богийдиль Мирқошилов 1-тар кўча, 44/1-уй
Тел./Факс: (+99871) 152-29-48, 152-13-69,
(+998 712) 55-90-73

Эл. почта: winrock@wuaspa.uz
Тендер тақлифлари ётиқ конвертларда WUASP офисининг юқоридаги манзилга 2006 йил 16 январь соат 17.00 гача тақдим этилиши керак. Ушбу муддатдан кеч etkazиб берилган тақлифлар қўриб қўйилмайди.

"Ўздонмахсулот" акционерлик компанияси



Ўзбекистон халқини, пешона тери эвазига она заминимиздан қаллаю пахта ундирётган деҳқонларни, фермер хўжалиқларини Янги йил байрами билан муборакбод этамиз.

Дастурхонингиз тўкин, ризқингиз бутун бўлсин.

"Ўзкимёсаноат" Давлат акциядорлик компанияси

Сизларни, мамлакатимиз кимёгарларини ва барча қишлоқ хўжалиғи ходимларини Янги йил билан муборакбод этиб, барчангизга тинчлик-хотиржамлик, мустаҳкам соғлиқ тилайди!

Жонажон Ватанимизнинг гуллаб-яшнаши йўлидаги эзгу ишларингизда хамиша омад ёр бўлсин!

Таълим ёғдулари порлаган замин

Бухоро шариф. Улуғ алломаларнинг табаррук излари теккан муқаддас замин. Одамлари меҳнат-каш, тadbиркор, моҳир ва маърифатли. Айни пайтда яна бир жуда муҳим омил ҳам бор. Бухорода ёш авлодга таълим-тарбия бериш ишига алоҳида эътибор қаратилган. Воҳда талаба-ёшларининг илм-маърифатга, маънавий камолотга, ўқиш-ўрганишга интилиши ҳавас қиларлик.

Зеро, бу ерда Ғиждувий, Нақшбанд, Ибн Сино, Фитрат сингари буюк шоир ва алломалар дунёга келган. Унинг туپроғида кўплаб азиз-авлиёлар, улуғ инсонлар абадий кўним топган. Бухоронинг ҳозирги ёшлари шундай буюк зотларга ватандош ҳамда уларга маънавий ворис эканликларидан фахрланидилар.

Истиқболли лойиҳалар

Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институти воҳанинг энг кўзга кўринган олийгоҳларидан биридир. Бу ерда кадрлар тайёрлаш миллий дастурида белгиланган вазибаларни бажариш, халқ хўжалигига, республикамиз иқтисодиёти ва ижтимоий соҳалари учун замонавий талабларга жавоб берадиган юқори малакали мутахассислар тайёрлаш, шунингдек, замонавий

БУХОРО ОЗИҚ-ОВҚАТ ВА ЕНГИЛ САНОАТ ТЕХНОЛОГИЯСИ ИНСТИТУТИ:

ИСТИҚБОЛ ФАРЗАНДЛАРИ

тимизнинг келажаги кўп жиҳатдан бугунги ёшларимизнинг билим ва салоҳиятига боғлиқ. Табиийки, биз уларга қанчалик чуқур пухта билим берсак, эртанги кунимиздан умидимиз шунчалик катта бўлади, - дейди Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институти ректори, техника фанлари доктори, профессор Мухсин Ҳожиёв. - Институт кафедраларида давр талаби асосида ўқув лаборатория базасини янги, замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлашга, илмий ва ўқув-услубий ишларни компьютер технологиялари билан таъминлашга катта аҳамият берилмоқда. Профессор-ўқитувчилар томонидан сўнгги йилларда ўнлаб дарсликлар, янги ўқув қўлланмалари ва барча фанлардан маъруза матнлари тайёрланди.



Англиянинг Гринвич институти ва Голландиянинг Лоренстейн аграр коллежи ҳамкорлик қилди. 2005 йилнинг сентябр ойида институтда ана шу лойиҳа доирасида "Озиқ-овқат хавфсизлиги" мавзусида халқаро илмий анжуман бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон, Англия, Голландия, Россия, Қозғоғистондан кўплаб таниқли олимлар, тadbиркорлар иштирок этди.

Лойиҳа Европа Хамжамиятининг Европа Комиссияси томонидан молиялаштирилди. Лойиҳа доирасидаги фаолият Гринвич университетининг Табиғат олимлари бўлишига 2001 йилда киришилган эди, - дейди илмий ишлар бўйича проректор, техника фанлари доктори, профессор Одил Сафаров. - Чунки ушбу йилда "Менежмент" кафедраси ҳамда "Халқаро алоқалар" бўлими профессорлари меҳнати туфайли Тасис Темпуснинг лойиҳаси грантига сазовор бўлди. Бу Европа Комиссияси таъсис этган CD-JER-21250-2000 рамкали "Қишлоқ хўжалик маҳсулотлари иқтисоди буйича янги таълим дастурларини тузиш" номли гранти бўлиб, у уч йил мuddатга, яъни 2001-2004 йиллар учун йўлланган.

Лойиҳанинг умумий қиймати 445370 еврога тенгдир. Асосий хориқлик ҳамкорлар Буюк Британиянинг Гринвич университети ва Голландиянинг Лоренстейн Халқаро Аграр коллежидир. Лойиҳанинг асосий мақсади, мавжуд фанлар дастурларини такомиллаштириш ҳамда янги маҳсул фанлар дастурларини яратиш орқали қишлоқ хўжали-

ги маҳсулотларини қайта ишлаш технологияси, иқтисоди ва менежменти соҳаларида бoшқарув малакасига эга бўлган, чуқур билим ва кенг дунёқарашли талабаларни етиштириш орқали бозор иқтисодидаги ўтиш жараёнига кўмаклашидир.

Лойиҳанинг икки йили институт, қолаверса, ҳамма ҳамкорлар учун жуда муваффақиятли ўтди, деб ҳисоблаш мумкин. Икки йил давомида Бухоролик 46 нафар профессор-ўқитувчилар Гринвич ва Лоренстейн ўқув даргоҳларида малака ошириб қайтдилар. Юқорида келтирилган ҳар бир фан бўйича ўқув дастурлари тузилди, инглиз тилидаги материаллар таржима қилинди ва маъруза матнлари ишлаб чиқилди.

Ҳаёт гуллари

Биз қадимий Бухорода бўлган кунимиз институтда билимни, улуғ мақсадларни кўзлаган, қатъий ниятли кўплаб талаба ўғил-қизлар билан танишдик.

Бу билим даргоҳининг 5 нафар талабаси хориқнинг энг

рият шамоллари ҳаёт япроқларини эркалаб, энди уларни бутун жаҳонга кўрсатаётир.

Шундай пайт муҳтарам Юртбошимизнинг ёш авлодга қарата айтилган ушбу сўзлари нақадар гурурбахш жаранглайди: "Эзгу мақсадлар билан кўйган қадамимиз кутлуғ бўлсин".

Аслида институт Бухорои шарифдаги катта илм даргоҳларидан бири. Не-не камтарин муаллимлар, қанча ҳоқисор, тажрибали устоз-мураббийлар дарс бермаган бу даргоҳда. Неча-неча авлодларни орзу-умидларига етказиб, катта ҳаётга парвоз эттирган кутлуғ, табаррук макон.

Китоб — билим манбаи

Бойлик кишини ўзига оқанрабо каби торгандай, бой кутубхона ҳам ўқувчиларни ўзига жалб этади. Бунинг учун кутубхоначилар институт мутахассисларининг ҳам саъй-ҳаракатлари лозим бўлади. Шундагина ёшларни китоблар оламига кириб боришига эришамиз. Бунинг амалга ошиши эса комиллик сари қўйиладиган



нуфузли дорулфунунларига кириб ўқишга муваффақ бўлган. Олийгоҳнинг ўндан ошиқ устоз-ўқитувчилари ҳам чет элдаги университетларда амалий сафарда бўлиб қайтган.

Мен кишини кувонтирадиган, ҳавасини келтирадиган бу ҳолатларга ташбех изладим: Шамол пайти экинлар барглари кўтариб, серхосил дархтнинг мевалари яркираб кўрингани аниқли, бу талаба ўғил-қизлар эркин, озад Ватанимизнинг асл мевалари, хур-

муҳим қадам бўлади.

Институтда ана шу тамойилга қатъий амал қилиниб келинмоқда. Кутубхоналар бугунги замон нафаси билан йўрилган китоблар билан тўлдириб боришмоқда. Бу иш раҳбариятнинг доимий эътиборида.

Давр эврилди. Мафкура, қарашларимиз ўзгарди. Тафаккуримиз йил сайин тиникиб бораётти. Бугунги кунда институтдаги бой кутубхоналар талаба-ёшларнинг энг севимли манзилларидан бирига айланиб



улгурган. Шу боисдан, бу ер доимо гавжум бўлади. Китобларга назар солиб ҳайратга тушасиз. Бундан 10, ҳатто 100 йил олдин нашр этилган бадиий наشرлар. Ҳаммаси жуда чиройли, рангли қилиб ишланган.

Китоб, шубҳасиз, инсоннинг энг буюк кашфиётидир. Одамзод ўз тарихи давомида тараққиётнинг қайси манзилларини фатҳ этган бўлса, барчасида тафаккур, иншо, мутолаа ва буларнинг тажассуми бўлган китобнинг изларини кўриш мумкин, - дейди институт талабаси Муниса Адзизова.

Ҳар бир инсоннинг ўз дунёқарши, ўзига хос қизиқиш ва кўникмалари бор. Инсонларнинг кийиниши, юриш-туриши ва муомалалари бир-биридан фарқ қилгани каби, улар томоша қилаётган фильмлар, қизикадиган санъат ва спорт турлари, шунингдек, ўқийдиган китоблари ҳам бир хил эмас. Ҳаммининг ўзига яраша бадиий диди бор. Сирасини айтганда, бу ерда кутубхоналар иши яхши, кутилгандек йўлга қўйилган. Бу ерда айни паллада улкан электрон кутубхона ишлаб турилди. Унинг ёрдамида талабалар 100 дан ортиқ фанлар бўйича маълумотлар базасига кириш ва билимларини мустақамлашлари мумкин. Электрон кутубхона ҳақида икки оғиз сўз. Мазкур кутубхона жуда қўлай, энг муҳими, камҳаражат восита. Унинг кўмағида ёшлар глобал таълим имкониятларига эга бўладилар.

Маънавият гуллари

Институтда иқтидорли ёшларга, айниқса, алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу маънода "Иқтидорли талабалар билан ишлашни ташкил этиш ва мониторинг бўлими" фаолияти алоҳида диққатга сазовордир.

-Институтимиз ректорининг бевосита ташаббуси билан бу ерда «Маънавият гуллари» деб номланган танлов ташкил этилган, дейди маънавият ва маърифат масалалари бўйича ректор уринбосари, техника фанлари номзоди Каромат Манонов. -Унга кўра, институт талабалари бўйича ёшларнинг ўқиб-ўқилган китоблари, шунингдек, ҳуқоқ ва бошқа ижод намуналари муаллимлар томонидан сараланади, ўқиб фикрлашади. Мавжуд 5 та факультетнинг барчасида «Маънавият гуллари» деб номланган, кўргазма ташкил этилган. Бу ишларга фалсафа кафедраси ўқитувчиси Ферузбек Бафоев бош-қош. Хуллас, ижод намуналари тўпланганидан кейин бир пилла чоё устида шеърхонлик ўтказилади. Унда ёш ижодкорлар ўз шеърларини ўқиб беришади. Бир-бирлари билан фикрлашади, баҳслашади. Бу тadbирни ўтказишдан кўзда тутилган асосий мақсад талабалар қалбига шеърятга, адабиётга меҳр-муҳаббат уйғотишидир. Қолаверса, истеъдодли йигит-қизлар сараланади. Уларнинг энг яхши деб топилган ижод намуналари газета ва журналларга йўланади. Ғолиблар тақдирланади. Хуллас, бир сўз билан айтганда, янги булоқлар кўз очмоқда. Улар орасида эртага ўз шеърлари билан кўпчилиқнинг эътиборини қозонадиган иқтидорли шоирлар етишиб чиқса, не ажаб.

Аслида шу юрт, шу туپроқ, шу Ватан бизники, Ватанин Ватандек суймоқ, Ватандек асрамоқ учун соғлом, фозил, билимли, ҳар томонлама етук ва зукко авлод даркор. Бундай ёшлар Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институтида беҳисоб.

Улуғбек ЖУМАНИЁЗ



компьютер ва ахборот технологиялари соҳасида мутахассислар, қасб-ҳунар коллежлари ва умумтаълим мактаблари учун олий маълумотли кадрларни тайёрлашни янада такомиллаштириш борасида бир қатор ибратли ишлар амалга оширилмоқда.

Мамлакатимиз ижтимоий-иқтисодий ҳаётда кенг қўламда ислохотлар жараёни кечмоқда. Таълим тизимида амалга оширилаётган ишларда бу, айниқса, яққол кўзга ташланади. Зеро, мустақил мамлака-

қиятини таъминловчи асосий омиллардан бири, дейиш мумкин. Шу боис институт бунга жиддий эътибор қараяпти. Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институти Тошкент кимё-технология институти ва Алматы технология университети ҳамкорликда ишлаб чиққан бизнес лойиҳа доирасида Tasis дастурининг 460 минг евро микдоридида грантига сазовор бўлди. 2004-2007 йилларда икки босқичда амалга ошириладиган лойиҳани қўллашда

Тошкентдонмаҳсулот

очик акциядорлик жамияти

Барчамизни Янги йил Байрами билан қизгин табриклайди. Ишлаб чиқараётган маҳсулотларимиз, фидокорона меҳнатимиз сизлар учун.

Янги йил барчамизга янги ютуқлар, янги омадлар олиб келсин, азиз ватандошлар!

Олмалик аммофос ҳамда Чирчиқ

“Электрокимёсаноат”

очик акциядорлик жамиятлари

жамоалари барчани Янги йил билан қизгин муборакбод этади.

2006 йил деҳқонларимиз меҳнатига барака, юртимиз аҳлига бахт ва тинчлик олиб келсин.

Янги йил, хуш келдинг она-заминга!

**“Сурхондарё қишлоқ хўжалик кимё”
акционерлик жамияти жамоаси**


Мамлакатимиз халқини, қишлоқ
хўжалик меҳнаткашларини
Янги йил байрами

билан чин юракдан қутлайди
ва юрtdошларимиз ишларида
улкан зафарлар тилайди.

Янги йил қутлайди оппоқ қор билан,
Қутлуғ қадам келсин, мақсад улугвор.
Янги кун жилмаяр янги тонг билан,
Дилларда қолмасин зарра гард-ғубор.



Байрам муборак, Ватандошлар!



Сиз азиз Ватандошларимизни
Ўзбекистон аталмиш зўрақ дуйримиз
зар тунроқларидан эл-юрт
ризқу рўзини етиштираётган
меҳнаткашларни кўриб келган
Янги йил айёми
билан муборакбод этади.

Саховатли она-еримизнинг ҳар қаричини эъзозлайлик!



Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари
геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси

**“ЎЗЗООВЕТТАЪМИНОТХИЗМАТ”
РЕСПУБЛИКА БИРЛАШМАСИ**

барча юрtdошларимизни
2006 – Янги йил байрами билан
қизгин табриклайди ҳамда республика
аҳолиси, ширкат ва
фермер хўжаликлари
раҳбарларига маълум қилади:

“Ўззооветтаъминотхизмат”
Республика бирлашмаси чорва
моллари касалликларининг
олдини олиш ва даволашда
ишлатиладиган арзон нархдаги
юқори сифатли **эмламалар ва**
зардоблар, витаминлар,
антибиотик ва
антигельминтик дори-
дармонларини, дезинфекция
воситаларини
таклиф этади.

Байрамингиз қутлуғ

Мурожаат учун телефонлар:
195-10-06, 195-15-26

бўлсин, азизлар!



Ўзбекистон халқини, хусусан мамлакат
ривожига ўзларининг салмоқли улушларини
қўшаётган фермерларни, боғбону чорвадорларни,
чет эллик ҳамкорлар ва касбдошларимизни
Янги йил байрами билан табриклаймиз.
Янги йил ҳаётимизга янги умид ҳамда режалар,
тижорат ишларимизда улкан ютуқлар,
хонадонларимизга тўкин-сочинлик,
осойишталик олиб келсин, азизлар!

Байраминг муборак она сайёра,
Оқ орзуд-ўйлардек оқ қор муборак.
Заминга ризқу рўз ёғилаётган
Оппоқ дақиқалар такрор муборак!

“DAI CHI AGRO KIMYA BUSINESS”



Жамиятнинг қон томири – банк тизimini шакллантириш, уни ривожлантиришга давлатимиз томонидан доимий эътибор, таъбир жоиз бўлса, гамхўрлик кўрсатиб келинган. Шунинг алоҳида таъкидлаш жоизки, Юртбошимиз Ўзбекистонда мустақил банк тизимининг тамал тоши қўйилишига раҳнамолик қилди. Бундан қўзланган мақсад, албатта, молиявий ресурслардан самарали фойдаланиш, халқ хўжалигида ислохотларни амалга ошириш, давлатлараро, минтақалараро ва тармоқлараро дастурларни кредитлаш ҳамда ссуда фондидан оқилона фойдаланишдан иборат эди. Бугунги кунга келиб, нафақат Ўзбекистонда, балки жаҳон миқёсида йирик банклар қаторига кириб улгурган ана шу банклар ўз зиммаларига юклатилган вазифаларни муваффақиятли ундаб келмоқдалар.

ровонлик манбаи”, деб кўп такрорлар эди, - дея сўзбатга қўшилди Конимех туманидаги Сарибел ширкат хўжалигида жойлашган “Қилшак” фермер хўжалиги раҳбари. - Банка бориб кўнглимдаги ниятимни айтдим. У ерда қисқа муддатда тегишли хужжатларни расмийлаштириб менга 9 миллион 700 минг сўм миқдорда кредит ажратилди. Олинган кредит ҳисобига 241 бош кўй сотиб олдим. Қўйларим 400 бош-

ишлар амалга оширилди. Жумладан, ҳукумат қарорига кўра, аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг бўш пул маблағларини банклардаги депозит ҳисоб рақамларига жалб этиш ҳамда уларнинг биринчи талаби бўйича белгиланган тартибда чекловсиз берилишига ҳаракат қилинмоқда. Жумладан, мониторингга олинган вазирликларга қарашли йирик корхоналардан «Навоийазот» ОАЖ, «Электромеханика»

рилди. VISA халқаро картонкаларининг VISA Electron ва VISA classic турлари жорий этилиб, миқозларга тарқатилмоқда. Амалдаги йилнинг биринчи ярмида 14000 та ҳисоб рақамлари очилиб, 11200 та пластик картонкалар миқозларга тарқатиб берилди “Навоий Азот” ОАЖ, “Электромеханика” қўшма корхоналари ана шулар жумласидандир. Ҳукумат қарорига кўра, Навоий шаҳри-



ига қўйганлар - келажакдан умидвор бўлган, ўз молиявий аҳолини мустаҳкамлашни истовчи инсонлардир, - дейди молия муассасасининг хусусий миқозлар билан иш олиб бориш бўлими бошлиғи Файрат Бекназаров. - Масалан, “Маиший хизмат тўловига” омонати 2 йил муддатга қабул қилиниб, йилга 42 фоиз даромад келтиради. Ва бу омонат фойзалари ҳисобидан маиший хизматлар учун кўчириб борилади. Молия муассасасида ишлаётганларнинг асосий қисмини ёш, ғайратли, хориж тилларини мукаммал билган ёшлар ташкил қилади. Уларга тажрибали ходимлар бириктириб қўйилган. Сирасини айтганда, «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг Навоий минтақавий филиали ишни замон талаблари даражасида ташкил этганига сабабли ҳам ўз олдига қўйган мақсадга эришмоқда. Қолаверса, қайси молия муассасаси мижозни очик чеҳра билан қаршилаб, унга кўнглидагидек хизмат кўрсатса, ўшанинг ошиги олчидир.

Жамиятнинг қон томири

Пойдевори пухта тизим

— Эътиборга молик жиҳати шундаки, банк тизimini иқтисодийнинг устувор тармоқларидан бири сифатида қўллаб-қувватлаш ҳозирги кунда ҳам давом этмоқда. - дейди Марказий банкнинг Навоий вилоти бош бошқармаси бошлиғи Баҳодир Муллахонов. - Айни паллада, минтақада қўллаб тижорат банки, филиал ҳамда мини банклар фаолият кўрсатиб турибди. Барча молия муассасаларида иш Президентимиз Фармонлари ва ҳукуматимиз томонидан қабул қилинган қарорлар талабларидан келиб чиқиб ташкил этилмоқда. Айнан миллий валютимиз, кредит ва банк тизимларини тақомиллаштиришга қаратилган бу хужжатларни бозор иқтисодиётига ўтишда “Давлат бош ислотчи”, деган тамойилнинг еркин инфодаси десак, асло муболага бўлмайди. Чиндан ҳам мамлакатимизда банк тизими йил сайн тақомиллашиб, ривожланиб, тобора замонавийлашиб бормоқда. Молия муассасалари имкон қадар иқтисодийнинг барқарор ўсиши, миқозларнинг ўз қадиларини тезда тути олишлари, халқ хўжалигида ислотларни амалга оширишга яқиндан қўмақлашиб келмоқда.

Кўмақдош

«Ўзсаноатқурилишбанк»нинг Навоий минтақавий филиали ва унинг бўлимларида республикамиз ҳукуматининг кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик-

га хизмат кўрсатиш кўламини тобора кенгайтириб, сифат жиҳатидан тақомиллаштириб бораётганлиги ҳам сабаб бўлмоқда. Юқорида эътироф этиб ўтганимиздек, банк сўнги вақтларда кичик ва ўрта бизнесни, жумладан, қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга алоҳида эътибор бериб келмоқда. Хусусан, тадбиркорлик соҳасида етти ўлчаб бир кесилмаса, ўзаро рақобатда имкониятни бой бериш ҳеч гап эмас.

Нурота туманидаги “Хўжа Жаҳон” фермер хўжалиги раҳбари елиб-югуриб ер олди. Далада ишлашнинг ўзи бўлмайди. Бунинг учун кўп нарса керак бўлади. Хўжалик чорва туёқ сонини кўпайтириши, қолаверса, қўллаб майда шохли моллар сотиб олиши учун қўшима маблағ зарур эди. Қани ўша маблағ?

Ана шунда «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг Навоий минтақавий филиали ёрдамга келди. Хўжаликка кам фойзли устама билан беш миллион сўм миқдорда кредит ажратилди. Кредитга қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш учун насос ва 124 бош майда шохли моллар сотиб олинди. Хозирда моллар сони 209 бошга етказилди. Кредит ва унинг фойзалари ўз вақтида тўлаб келинмоқда.

— Фермер бўлиб ишни ташкил этиш, юқори даромад олиш ҳаммаининг ҳам қўлидан келавермайди, - дейди фермер хўжалиги раҳбари. - Мулкдор дегани чанг, ёмғирни лой, жазирамас иссиқ демай ишлаши керак, ахир. Хозир қиш фасли бўлишига қарамастан болабақра билан даладамиз. Мақсадимиз, қўй-қўиларни қишлоқдан талафотсиз,

дан ошиб кетди. Келажакда йилкичилик ва туячиликни ҳам ривожлантириш ниятим йўқ эмас. Бунинг учун доимо олдинга қараб интилиш, заҳмат чекиш зарур бўлади.



Банк шаънига билдирилган бундай миннатдорчилик сўзларини Хатирчи туманидаги “Умида-5” фермер хўжалиги раҳбари ва бошқалардан ҳам эшитиш мумкин.

— Банкада маблағни дуч келганга эмас, иш биланга бериш фаолият мезонига айланган, - дейди «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг Навоий вилоти минтақавий филиали бошлиғи вазифасини бажарувчи Чинпўлат Муҳаммадов. - Шу босдан бўлса керак, молия муассасамиз ўзининг ишончли ҳамкор эканлигини амалда намойён этаётди. Энг асосийси, бу ҳамкорликдан банк ҳам, миқоз ҳам бирдек манфаатдор. Қолаверса, бундай омил ишга тушган жойда тараққиёт тезлашади, янги ютуқлар қўлга киритилаверади.

Чинпўлат Муҳаммадовнинг таъкидлашича, қишлоқ жойларида яшувчи аҳолига, кичик корхоналар, деҳқон ва фермер хўжалиқларига банк хизматларини кўрсатишда қўшимча қўлайликлар яратиш мақсадида олинган мини-банклар сони йил сайн кўпайиб бормоқда. Шу жумладан, фермер хўжалиқларини ривожлантириш концепциясига асосан, тугатилган қишлоқ хўжалик корхоналари ҳудудида ташкил этилган фермер хўжалиқларига хизмат кўрсатувчи мини банкларда барча шарт-шароитлар яратиб берилган. Миқозлар кичик шохобчалар ишидан мамнун экан.

Республикамиз Президентининг 2005 йил 5 августдаги “Банклардаги депозит ҳисоб варақаларидан нақд пул тўловларини ўзлаштираш мақсадида қўйилган қарорни ижросини таъминлаш мақсадида бир талай

КК, Навоий ГРЭС, вилот Электр тармоқлари ОАЖ, НТМКга қарашли корхона ва ташкилотларнинг ойллик иш ҳақи учун бўлган нақд пул маблағлари банкдан биринчи талаби бўйича берилмоқда. Шунингдек, Марказий банк-

нинг ҳамда «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг ишонч телефонлари миқозлар учун қўринадиган қўлай жойларда ўрнатилган. Корхона ва ташкилотлар томонидан банк кассаларидан нақд пул маблағларини вақтида эгаларига етказилишини таъминлаш учун ҳар бир корхона ҳамда ташкилотларда ишчи ва хизматчиларга қўринарли бўлган жойларда, яъни, касса ва кўриш-чиқим жойларида “Ишонч телефонлари” рўйхати мавжуд бўлиб, улар устидан доимий назорат ўрнатилган.

Хозирги кунда банклар томонидан муомалага чиқарилаётган пластик картонкаларнинг бир қанча турлари мавжуд бўлиб, улар миқозларнинг хоҳишига қараб танланishi мумкин. Масалан, шахсий, корпоратив, дебит ва кредит пластик картонкалардан турли шаклларда фойдаланиш йўлга қўйилган. Мамлакатимизда пластик картонкалар орқали ҳисоб-китобларни амалга ошириш тизimini янада ривожлантириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 сентябрдаги “Пластик картонкалар асосида ҳисоб-китоб қилиш тизimini янада ривожлантириш чоралари тўғрисида”ги қарори айнан пластик картонкалар асосида нақд пулсиз ҳисоб-китобларни ривожлантириш, улар орқали тўловларни амалга ошириш бўйича қўлайликларни кенгайтириш ва аҳолининг банклардаги жамғармаларини янада қўпайтиришини таъминлашга қаратилган.

Мақсуд қарор талабларини бажариш мақсадида 2005 йилнинг бошидан бошлаб банкада VISA халқаро пластик картонкалари жорий қилиниб, ишга туши-

да яна 40 дон VISA терминаллари савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларига ўрнатилди. Аҳолидан коммунал тўловларни қабул қилиш пунктлар ва савдо нуқталари ҳамда умумий овқатланиш жойлари сони кўпайиб бормоқда. Пластик картонкалар жорий қилингандан сўнг терминаллар ўрнатилган савдо нуқталарида товар айланмаси икки бараварга ошди. Коммунал тўловларнинг асосий қисми терминаллар орқали амалга оширилмоқда. Корхона ва ташкилотларнинг ишчиларига иш ҳақи беришда нақд пулга бўлган эҳтиёж қисман камайди. Терминаллар орқали аҳолига хизмат кўрсатаётган банк ходимларининг малакаси мунтазам равишда ошириб боришмоқда. Қолаверса, улар иштирокида семинарлар ўтказиб турилибди.

Хозирда банк ходимлари 2 та автомобильга ёнлиги қўйиш шохобчаларига банк терминалларини ўрнатишни режалаштириб туришмоқда. - Пластик картонка - бу барча тўловларни амалга ошириш имкониятига эга бўлган нақд пулсиз ҳисоб-китобнинг энг қўлай ва маъқул шаклидир, - дейди «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг Навоий минтақавий филиали бошлиғи ўринбосари Фахриддин Қосимов. - Натижанда миқозлар бунга фахрлаб олишмоқда. Шунингдек, нақд пул массасини банкка самарали жалб қилиш мақсадида фуқароларга “Келажак”, “Ҳамкор”, “Шодлик”, “Орзу” сингари омонат турлари тақлиф қилинмоқда. - Ҳар пул маблағларини «Ўзсаноатқурилишбанк»нинг “Муддатли омонатлар”-

— Республика Президентининг “Нақд пул маблағларини тақомиллаштириш ва банкдан ташқари айланмасини қисқартиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ҳамда “Банклардаги ҳисоб варақалардан нақд пул тўловларини ўзлаштираш мақсадида таъминлаш кафолатлари тўғрисида”ги қарорлари ижросини таъминлаш мақсадида, нақд пул тушуминини кўпайтириш, пул айланшини тезлаштириш, пул муомаласини янада мустаҳкамлаш, нақд пул эмиссияси даражасини қисқартириш юзасидан кескин чоралар кўриш ҳамда шу соҳага маъсۇл бўлган ходимларнинг жавобгарлигини ошириш ниятида аниқ чора-тадбирлар ишга чиқилган, - дейди АТИБ “Ипотека банк”нинг Навоий вилот филиали бошлиғи Истам Қўчқоров. - Кунлик тушум пуллари, биринчи навбатда, пенсия тўловларини тўлашга қаратилмоқда. Белгиланган тушумларни ўз вақтида ва тўлиқ банк кассасига тушишини таъминлаш орқали бюджет ташкилотлари ходимларининг иш ҳақлари, пенсия ва нафақаларнинг ҳамда хўжалик ҳисобидаги корхона ва ташкилотларнинг ҳисоб варақаларидаги мавжуд маблағи ҳажмида иш ҳақи тўловларини кечиктирмасдан тўлаб бориши таъминланмоқда.

Банкада бугунги кунда 2251 нафар миқозларга намунали хизмат кўрсатишмоқда. Миқозларнинг 1187 нафарини эса кичик бизнес субъектлари ташкил этади. Аҳолининг коммунал тўловлардан бўлган қарздорликларини янада қамайтириш мақсадида “ДЭУ Юнител” уяли алоқа корхонаси Кармана бўлими босқисидан коммунал касса очилди. Зарафшон шаҳрида эса коммунал тўловларни аҳолидан йиғиб олиш мақсадида, яъни миқозларга қўлайлик яратиш учун кўча автокасса ташкил этилди. “Ипотека банк”нинг Навоий минтақавий филиали бошлиғи ўринбосари А.Шопўлатов тақдим этган маълумотларга қараганда, якунланган йилнинг 1 ноябр ҳолатига кўра, пластик картонкалар орқали ҳисоб-китоб қилиш бўйича банк бўлими томонидан аҳолига 1050 дон пластик картонкалар тарқатилган. Молия муассасасининг Зарафшон филиали 1 та банкомат ва савдо корхоналарига 123 дон савдо терминаллари ўрнатиб берган. Терминаллар бўйича савдо нуқталари орқали амалга оширилган савдо айланмаси 1116,9 миллион сўми ташкил этган.

Улуғбек ЖУМАЕВ, “Қишлоқ ҳаёти” мухбири.

Қопқон

Қалин қор ўнгирларни кўмди. Қора совуқ, изгирин. Ана шундай кунларнинг бирида ўрта бўй, юршилари чаққон Худойберди Турсунов отарларини оралади. - Хой, оғайни, бир ҳафтаки, машъала ёқиб кўра атрофидамиз, - деди асабийлашган кекса чўпон. - Аҳолимиз танг бўлди-ку!

Худойберди унинг сўзини ўнгириб тинглади. Маълум бўлишича, иккита бўри тун ярминдан оққанда сурувга ҳужум қилиб, уч кўйини ёриб, иккитасини олиб кетибди. Атрофдаги отарлар ҳам бўри хуруждан бенасиб қолмабди. Бу гапдан сўнг Худойбердининг оромини бузилди. У кенгликларда юриб, бўри изларини тоғди. Қашқирлар Пирвеш довонидаги баланд тоғлар эстагида ин

ВОҚЕА

чиси томон шовилди. Қопқон жойида йўқ. Бўри уни судраб, баланд кўта-

...Орадан ҳафта ўтди. Қорлар эриб кетди. Худойберди эса ҳар кун иккинчи қопқон қўйилган жойдан хабардор бўлиб турди. Кунларнинг бирида қўқ юзидаги кулранг булутлар Хайдарқўл узра қанотини кенг ёзди. Тоғлардаги қоялар юзини офтоб нури ялади. Лекин аёз баланд келди.

Тоғ сўмоқларидан пиёда бораётган Худойберди ерни нимадир тирнаб ўтганлигини кўрди. Зеҳн солди. Қўнғиган жойларда бўри изи бор эди. Овчи қафтини қафтига ишқалади.

— Ё, кудратингдан, иккинчи йиртқич ҳам қопқонга тушибди-я, - деди ўзига-ўзи ва из билан юриди. Чорак соат пиёда борган, ёввойи дарахтзор қаршисидан чиқди. Бўри унинг ички қисмига кириб борган эди. Худойберди эмақлаб юриди. Шохшаббалар унинг юз-қўзларини тимдаласа ҳам парво қилмади. Димқиди, юзлари намланди. Бир маҳал қашқир ириллаб, овчи томон хезланди. Аммо қопқон ёввойи дарахт кундасига ўралаб қолган эди.

— А-ҳа! Тирик ушлайман! - деди у ва дарахтлардан дастаси узун душоха излади. Жингилнинг бир шохини синдириб олди уни овчинини ёриб юборгудек ижирганётган қашқир бўйнига босди. Йиртқич орқа оёқлари билан тупроқни узиб отар, қопқон эса ўралаб қолган дарахт танасидан бир баҳя ҳам силжимасди. Овчи душоҳани маҳкам босиб, бўри оёғидаги қопқонга кўз қирини ташлади.

— Алҳазар! - дея қотиб қолди у қашқирга қараб. Узини тўрт томонга отаётган қашқирга қараб елкасидаги милтиқини қўлга олиб, тепкин босди. Оғзидан отилган йиртқич тинчиб қолди. Нега Худойберди бўрини тирик ушламади? Чунки қопқон тирноғи унга келиб қолган бўлиб, бир-икки ҳамладан сўнг қашқир овчинини бўғизлаб ташлаши мўҳаррар эди.

Шу тариқа чўпонлар икки очофат йиртқичдан халос бўлдилар.

Савдогарбанк

жамоаси барча миқозларни, қишлоқ хўжалик субъектлари ҳодимлари, деҳқон ва фермер хўжалиқлари ҳодимларини

Янги 2006 йил билан самимий қўллаб, ҳар бир оилага бахт-саодат, шодлик ва фаровонлик тилайди.

Банк ўзининг янги жозибали омонатларини тақлиф этади:

- “Келажак” йиллик 36%, 6 ой муддатга, минимал миқдор – 200 000 сўм.
- “Коммунал тўлов” – йиллик 36%, 6 ой муддатга.

Мамлакатимиз осмони мусаффолиги, эл-юрт маъмурчилиги абадий бўлсин!

Сиз, азизларим, ўзаро пандраатим ҳанкорликка чорлаймиз!

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Саид Барака кўчаси, 78-уй.
Телефонлар: 133-72-07, 54-18-65
Web site: www.savdogarbank.com
E-mail: sgb.roi@uz



«Мустақил фикр»

Корхонамизда шов-шув гаплар пайдо бўлди, қандайдир комиссия келтирилган эмиш: ходимларнинг мустақил фикрларини ўрганиш зарур бўлиб қолибди. Дастлаб мустақил фикрларимизни ёзма равишда тақдим қилар эканмиш. Иккинчи босқичда шу ёзма равишда исботлаш учун ҳар бировимиз минбарга чиқиб ваъза айтар эмишимиз.

Эшитиб хурсанд бўлиб кетдим. Бизнинг фикримиз билан ҳам қизиқадиганлар бор экан-ку. Уша кунлик кабинет ашигини бекитиб олиб бир бошдан қоғозга туширдим. Ҳақиб кўриб ўзим ҳам яраб кетдим, унда-мунча комиссиянинг оғзи очилиб қолдиган бўлди-ва. Корхонамиздаги аҳолини таҳлил қилиб, астар-аврасини очиб ташладим. Ҳаммаси зўр чикди. Бирок бунақа гапларни томдан тараша тушгандек кўксидан айтиб балага қолмасмиканман?.. Шунда мулоҳазалар билан иш кунининг охирида бўлим бошлигимизнинг хонасига аста мўраладим. Ҳеч ким йўқлигига ишонч ҳосил қилгач, мустақил фикрларим жойланган папкани кўпчилик маҳкам қисганча кириб бордин. У ҳам шуни ёзаётганимди, билмадим, столи устидаги қоғозларни шовиб-устида йиғиштириб тормага солиб қўйди.

«Фикрларингиз чакки эмас, - деди у ёзганларим билан танишиб чиққан, ўйланброк, - Лекин сал «рандалаш» керакмикин. Ахир, ўзбекона риоя, андиша деган гаплар бор, ука! Унинг айтганини қилиб, фикрларимни анча силлиқладим. Чунки, ёши улуг, тажрибали одам, бир нимани билмас гапирмайди-да.

Кечкурун уйда ёзганларим ҳақида мактабим қўйиб балага қолдим.

«Эсингиз жойидими? - деди хотиним хайратомуз. - Сизга ким қўйилти бунақа катта кеттиши. Нима бўлганда ҳам корхонада ғимирлаб юриб болачақа боқасиз. Сиз тинчгина юраверинг. Нима қиласиз бошингизни арининг уясига тикиб?..»

«Илоҳи йўқ, аяси, мажбурий экан. Кетидан аттестация

ҳам ўтказилди, ўша фикрларингиз баҳоланади, дейишпти.

«Ана кўрдингизми, унда «тем более» эҳтиёт бўлиш керак экан. Уйнашмагин арбоб билан, дейдилар-ку!..»

Ана шундай қилиб «маликаи дилзор» ҳам мустақил фикрларим қанақа бўлиши кераклиги ҳақидаги маслаҳатларини тўкиб солди. Унинг пурмаъно кўрсатмаларига амал қилиб, ёзганларимни жиддий таҳрирдан чиқардим.

Эртаси кун ишхонага саҳарлаб етиб келдим. Касаба уюшма кўмитаси раисининг хонасидан қандайдир овоз эшитиларди. Астагина кирсам, у киши одатига хилоф равишда дўпписини өчиб, буйинбоғ тақиб, қўлида бир варақ қоғоз билан тошойнанинг олдига турибди. Мени кўриб шовиб қоғозни тахлаб чўнтагига солиб қўйди, ўйнайсизланиб, тепакал бошига уришиб қолган дўпписини кўндирди. Чамаси, мустақил фикрларини айтишни кўзгуга қараб машқ қилаётган экан, шекилли. Бечоранинг аҳолини кўриб шунча комиссияни ўйлаб толганларни ҳам бўралаб сўкиб юборай дедим. Уми давомда мустақил фикр деган нарсани тушириш ҳам кўрмаган айрим бечоралар ўзларини қўйиб чиранавериб юрак хуружига ёки руҳий хасталикка чалиниб кетмасе деб кўркаманд-да. Ахир баъзи одамлар учун мустақил фикрлар билан ишлаш - симдорнинг устида лангарсиз юришдан ҳам ваҳималироқ-ку!..

Коридорда режалаштириш бўлими бошлиғи мени четга тортиди.

«Бош ҳисобчи билан иккала мизиям мустақил фикрларимизни ёзиб беринг. Бизда унақа ишларга вақт қаяқда.

«Майли-я, лекин сизларнинг фикрингизни мен қаяқдан биламан?»

«Э-э, қизикмисиз, ака... Ҳалиги ашула бор-ку: «Сизнинг айвон бизнинг айвон

эмасму?» деган. Фикрлар ҳам шунақароқ-да. Ҳўп деяверинг, чорак якунида мукофотни нақд қиламиз.

«Саломинг бўлмаса, икки янлаб бир ютар эдим», дегандай, мукофот ҳақида гапи бўлмаса, бу нусхага борадиган томонини кўрсатиб қўярдим-а. Бирок «эрийман» деб турган одамни ранжитиб қўйсак, ҳужжимизга зиён бўлмасин, дея рози бўлдим.

Лекин аввал ўзимникини бир ёқлик қилиб олай-чи. Шу мақсадда фикрларимни бошлиқ муовинига кўрсатиб олмақчи бўлдим. Ҳойнаҳой, хурсанд бўлиб кетса керак, деб ўйлагандим.


«Ўзингиз ёздигизми?.. Мустақил фикрларини-я? - деди у таажубланиброк. - Бизнинг корхонадаги одамларга бунақа нотаниш атамаларни тушултириш учун «Ижтимоий фикр маркази» дан вакил чақиртириб, маслаҳатлар ташкил қилишга тўғри келармикин, деб ўйловдим.

Ана шундан кейин муовин кўлэзмами ўқир экан, «ие, ие» деб қўйди-ю, дами ичига тушиб кетди.

«Х а, майли, - деди у о х и р и з ч а й н а л и б г и н а. - Лекин, яна бир ўйла-ниб, кўриб чиқинг, ука. Тўғри гапириб туққанингга ёқмайсан, деган гаплар бор, ахир!»

Дароқе, бу гапларда жон борга ўхшайди. Энди, мустақил фикр айтиш керак экан, деб ҳамма нарсани остин-устун қилиб ташлаш шартми?.. Фикрларимни қайтадан элақдан ўтказиб яна бир бошдан ёзиб чиқдим. Айрим раҳбарларнинг қўполлиги ва манмансирганлиги ҳақидаги гапларни талабчанлик ва жиддийлик, деб ўзгартирдим. Корхонамизда таниш-билишчилик, қариндош-уруқчилик урчи кетгани ҳақидаги фактларни ўзаро меҳр-окибат, ҳамжихатлик,

деб изоҳладим. Ҳисобчининг девонхонадаги ари йўқ хотин билан дон олишиб юриши тўғрисидаги гапларни бева-бечораларга мурувват кўрсатишга тенглаштириб қўяқолдим. Ҳўжалик мудирининг дав-



лат мулкини талон-торож қилиши ҳақида ёзганларим унинг оилапарварлиги, рўзгорини бут қилиш учун алиб-югуришини таърифлашлар билан алмашди.

Бунга қарши и л и к кўрсатмоқчи бўлган

қоровул-поровулларни бошлаб танқид қилиб ташладим.

Шунга ўхшаш тузатишлардан кейин ёзганларим рисоладагидай бўлиб қолди, шекилли. Лекин, барибир таомилга кўра бирров биринчи муовиннинг олдидан ўтиб қўйганим маъқул. Маслаҳатли тўй тарқамас, дейдилар-ку.

У киши кўлэзмами олиб одатдагидек эринмасдан кўзойнагини тақиб қизил рункаси билан ўқувчининг ёзма ишини текшираётган муаллимдек тузатиб чиқди. Мустақил фикрларим ҳам пати юлиган товукдек бўлиб қолди. Аввалига сал ранжигандек бўлдим. Кейин ўйлаб ўзимни

босдим. Чунки, бу одам бежиз мана шу курсида ўтирмайди. Оқу коранинг фарқига боради, корхонанинг пасту баландини билади. Шуларни ўйлаб, қўлимни кўксимга қўйиб миннатдорчилик билдирдим.

«Буларни сал эпаккага келтиргач, - деди биринчи муовин чиқишга чоғланаётганимда, - бирров ўзининг олдидан ўтиб қўйинг. Ҳарқалай, ёшсиз,

Энг узун соч

Эшитсангиз, хайратдан ёқа ушлашингиз мумкин. Ҳиндистондаги Туруваду Тураи номи билан юритилувчи ибодатхона қошо-насида Свами Пандарасанада исмли назоратчи яшаган бўлиб, у ўзининг бир антика «фазилати» билан одамлар орасида машхур бўлган. Свами сочларини шунчалик ўстиришга ҳаракат қилгани, унинг узунлиги 7 метру 90 сантиметрга етган.

XIX асрда ҳам эркакларни телба қилаётган узун сочли паривашлар бўлган. Жумладан, инглиз аёли Ованс сочининг узунлиги 2,5 метрга етган. Утган асрда эса япон аёли Хи-

ўсадиган кадрсиз. Қўтилмаган бу гаплардан кўнглим тоғдек кўтарилди. Котибага эртага шоколад олиб беришни ваъда қилиб, ёзганларимни компьютердан чиқартириб олдим.

«Шоколадни иккита олиб келаверинг, - деди котиба сузилиброк. - Шэф кўргандан кейин бунингизни яна қайтадан тузатиб чиқарамиз. Ҳамма-никини шунча қилаялмиш.

Шундагина эътибор бердим. Қабулхонада анчагина одам тўпланиб қолибди. Ҳойнаҳой, мустақил фикрларини тасдиқлаб олиш учун навбат қўйишга борибди-да. Ҳузурдан чиқач, кадрлар бўлимига ҳам бош суқиб ўтиш керакмикин. Ҳарқалай, мустақил фикрларимизга муҳр ҳам бостириб оласак, ишончлироқ бўладими дейман-да. А, нима дедингиз?..

Ҳабиб СИДДИК

Энг узун соч

Эшитсангиз, хайратдан ёқа ушлашингиз мумкин. Ҳиндистондаги Туруваду Тураи номи билан юритилувчи ибодатхона қошо-насида Свами Пандарасанада исмли назоратчи яшаган бўлиб, у ўзининг бир антика «фазилати» билан одамлар орасида машхур бўлган. Свами сочларини шунчалик ўстиришга ҳаракат қилгани, унинг узунлиги 7 метру 90 сантиметрга етган.

XIX асрда ҳам эркакларни телба қилаётган узун сочли паривашлар бўлган. Жумладан, инглиз аёли Ованс сочининг узунлиги 2,5 метрга етган. Утган асрда эса япон аёли Хи-

БУ АЖИБ ДУНЁ

Бир қарич... тирноқ

Буни тўқликка шўхлик деса бўлармикан: баъзи кишилар ўзининг тана терисига хошияли қилиб сиёҳ билан ғаройиб кўринишли расмлар солдиради, бири эса қаричлаб ўлчай-диган тирноқларини кўз-кўз қилишга ишқибоз, бошқаси эса ўз жинсини ўзгартаришга минглаб орачаларни сарф қилади, яна бири, йигит бўлишга қарамай, қулোগа зирак ёки зуннур тақиб юради.

Бу қандай мўйлаб?

Мўйлабдорлар орасида ҳам ўзгача мусобақа бўлар экан. Мўйлаб деганда биз қапалак нусха мўйлаб, зулук мўйлаб, тўнғиз мурт мўйлаб деган ибораларни эшитар эдик. Норвегиялик фуқаро Ханс Лангсет мўйлабини чунонам ўстириб юборибдики, унинг узунлиги 5 метру 33,8 сантиметрни ташқил қилган. Мўйлаб ишқибозлари орасида бўлиб ўтган мусобақада Хансга етадиганлар топилмаган. Чемпионлик шоху-пасига бу совриндор мўйлабини қандай судраб чиққанлигига ҳайрон қоласиз.

роқо Ямасаки 18 йил мобайнида 2 метру 60 сантиметрлик сочини намойиш этган.

Қўйиб беринг, тоғдан ошади.

Эринмаган «тадқиқотчилар»нинг ҳисоб-ки-тобларига қараганда, эркак зоти 20 ёшдан 60 ёшга қадар 210 минг метр соқолини қириб ташлар экан. Бу эса Нью-Йоркдаги энг катта «осмонлар» бино бўлмиш Эмпайр Стейт Билдингдан 410 баробар узунликка тўғри келар экан.

Маннон НАБИЕВ

Соатлар тарихидан

Аслида соатларимизнинг кўри-ниши оддий бўлгани билан тарихи узок ўтмишларга бориб тақалади.

Қадимда вақт қўёшга қараб, ҳўроз қичқиригига ёки шамнинг қанча қисми ёнганига, мойчирик шишасида қанча мой қолганига қараб аниқланган. Ҳарорат ўлча-гичга ўхшаш ўлчовли шам ва лампалар ҳам бўлган. Уша пайтларда кундузи қуёш энг ишончли соат ҳисобланган бўлса, тунда сув соатлари муҳим рол ўйнаган.

Сув соатларида бир идишдан иккин-чисига сув қўйилиб турган. Бирок кема сафарларида сув соатлари яхши иш бермаган. Шу боис денгизчилар қум

соатдан фойдаланишган. Кейинчалик жиринглайдиган соатлар ихтиро қилин-ди. Аммо у кишилар истаганда эмас, бал-ки ҳар соатда жиринглайверган. Қадим-да «булдунлик»лардан бири қўйдагича ишланган: махсус таёқчага металлсоқ-

БИЛАСИЗМИ?

қачалар илинган ва таёқча ёқиб қўйил-ган. Олов соқчага етганда улар мис то-ғоречаларга ёки остига қўйилган бирон-бир идишга жаранглаб тушган. Механик со-атлар эса бундан тахминан юз йилча олдин

яратилган.

Соат ихтиро қил-ган одам унинг сония мили (с е к у н д кўрсаткичи) ни ҳам ярати-тиш лозим-лигини бил-маганлиги барчани та-ажубга солса керак. Ҳақиқатан ҳам соатни ихтиро қилган одам бошқа-ю, унинг сония мили яратган одам умуман бошқа касб эгаси - англиялик шифокор Жон Флоу-эр (1649-1734 й.) бўлади. У беморлар-даги томир уришини ҳисоблаш учун соат сониясини яратган.

Муҳиддин АБДУСАМАТОВ тайёрлади.



«Ўзнефтьмаҳсулот» акциядорлик компанияси

республикамиз аҳлини, фермер ва деҳқонларини Янги йил билан самимий муборакбод этиб, барчангизга бахт-омад, хонадонларингизга қут-барака тилайди. Қалбингизни саховат, меҳр-мурувват ҳеч қачон тарк этмасин!



<p>Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТ</p>	<p>МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Агроеконом комплекс тарихидан ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирликлар ва идоралар</p>	<p>ТЕЛЕФОНЛАР: Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими - 136-58-83, 136-56-25, Котибиёт - 133-95-17, Реклама ва эълонлар - 133-44-43, 136-54-44, 133-28-04, Факс - 133-44-43, 133-40-87</p>	<p>ВИЛОЯТ МУҲБИРЛАРИ: Қорақалпоғистон Республикаси - 8-361-58-512-17; 8-361-22-35-753; Андижон - 8-374-22-234-08; Бухоро - 8-365-22-644-61; Жиззах - 8-372-22-608-34; Намангон - 8-436-22-60-525; Самарканд - 8-369-41-234-23; Фарғона - 8-373-61-221-97; Самарканд - 8-366-2-33-70-57; Сурхондарё - 8-376-46-526-61; Сирдарё - 8-367-37-23-813; Тошкент - 8-371-136-56-21; Хоразм - 8-362-22-623-50; Қашқадарё - 8-375-22-517-65.</p>	<p>Реклама ва эълонлар матни учун буюртмачи жавобгар -тижорат мақола</p>	<p>«Қишлоқ ҳаёти» материалларини қўчириб босиш фахат тахририят рухсати билан амалга оширилади.</p>	<p>МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй</p>	<p>Навбатчи: А. КАРИМОВ Саҳифаловчи: Р. ЁДГОРОВ, А. САФОНОВ Бош мусаҳҳиж: Ҳ. ТОШЎХАЖЕВ</p>
---	--	---	--	--	--	--	--